

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» ФАКУЛЬТЕТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» кафедраси

«Ҳимояга рухсат этилади»

Кафедра мудири  
проф. Р.Холбеков Р

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 йил

НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ

мавзуси бўйича ёзилган  
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«Ҳимояга тавсия этилади»

Илмий раҳбар: доц. Махкамбоев А

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 й.

Бажарди: «Бухгалтерия ҳисоби ва  
аудит» йўналиши 4 курс битирувчи  
талабаси Каримов Лазиз

Т О Ш К Е Н Т – 2012

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари .....</b>	<b>8</b>
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда номоддий активлар ҳисобининг назарий асослари .....	8
1.2. Иқтисодиётни интеграциялашуви жараёнида корхоналарда номоддий активларнинг аудитини ташкил қилишнинг услубий асослари .....	16
<b>2-Боб. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳисобининг амалиёти ва уни такомиллаштириш.....</b>	<b>24</b>
2.1. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг киримини ҳисобга олиш амалиёти ва уни такомиллаштириш.....	24
2.2. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга эскириш ҳисоблаш тартиби ва уни такомиллаштириш .....	27
2.3. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг чиқимини ҳисобга олиш ва уни такомиллаштириш .....	32
<b>3-Боб. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳисоби аудитини ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш .....</b>	<b>39</b>
3.1. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар аудитини ташкил этишда ахборот таъминот манбалари .....	39
3.2. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳаракатини аудиторлик текширувидан ўтказиш амалиёти ва уни такомиллаштириш.....	47
3.3. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга амортизация ҳисоблаш аудити ва уни такомиллаштириш .....	53
<b>Хулоса ва таклифлар .....</b>	<b>61</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>64</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодиётни барқарорлаштиришда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларда ресурслардан самарали фойдаланиш, харажатларни тежаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ушбу масалалар акционерлик жамиятларида ҳам ўта долзарбдир. Хусусан, “Ўзбекгеофизика” ОАЖ да ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш, таннархнинг шаклланишини объектив баҳолаш ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, ишлаб чиқариш харажатлари таркибида номоддий активларга қилинадиган харажатларнинг улуши сезиларли салмоққа эгаллиги ва бу харажатларни таркиблаш ҳамда алоҳида ҳисобга олишни тақозо этади. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг номини савдо маркалари даражасига кўтариш, корхона обрўйини ошириш, ноу-хауларни амалиётга жорий этиш, натижаларни патентлаш, хорижий компаниялар билан франчайзинг асосида ҳамкорлик қилиш, виртуал бозорларда номга эга бўлиш давр талабига айланмоқда. Натижада номоддий активларга қилинадиган харажатларнинг ортиши уларнинг ҳолати қандайлигини ва уларнинг маънавий эскириши эвазига замонавий янги типлари билан таъминлаш заруриятини келтириб чиқарди.

Шу боисдан, мамалакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларини модернизациялаш кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов ... “Ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди. 2011-йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010-йилга

нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради”<sup>1</sup> деб таъкидлади.

Шундай экан, корхоналарда номоддий активларнинг аҳамиятини ошириш, ҳақиқий ҳолатини таҳлил қилиш ва уларнинг ҳисобини халқаро стандартларга мос ҳолда такомиллаштириш ҳамда аудиторлик текширувини тўғри олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, активларнинг таркибидаги номоддий активлар салмоғига инвесторларнинг эътиборининг ортиб бориши, уларнинг янги турлари пайдо бўлиши ва мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, тадқиқот ишларида ҳамда иқтисодий адабиётларда бу объектларнинг етарли даражада ёритилмаганлигидир. Шу боисдан, мазкур битирув малакавий ишда айнан ушбу масалаларнинг назарий ва амалий ечимларини бериш долзарб масалалардан бирига айланди.

**Мавзунинг ўрганганлик даражаси.** Номоддий активлар ҳисоби ва аудити бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари, илмий маъқолалар эълон қилинган. Улар Россия олимларида В.Палий, Н. Кондраков, О. Николаева, С. Бычкова, А.Аренс, Дж Лоббек, В.Подольский, Г. Поляк, А.Савин, А. Шеремет, В.Суйц каби иқтисодчи олимларнинг ўқув услубий, илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Жумладан, Ўзбекистонлик олимлар Э.Ақромов, А. Ибрагимов, М.Пардаев, С.Воҳидов, О.Бобожонов, О.М, Жуманов, Н. Жўраев, М.Тўлахўжаева, Б.Хасанов, З.Маматов, Қ.Шакаров, Р.Холбеков ва бошқа бир қатор олимлар томонидан билдирилган назарий ҳамда амалий таклифлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Бироқ, илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, “Ўзбекгеофизика” ОАЖда номоддий активлар ҳисоби ва аудити бўйича

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 19 январь, № 28 (4438).

олимларимиз ўртасида турли хил фикрларнинг мавжудлиги, ушбу мавзунинг илмий жиҳатдан тўлиқ ҳал этилмаганлигидан далолат беради. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, “Ўзбекгеофизика” ОАЖда номоддий активлар ҳисоби ва аудитидаги муаммоларнинг ечимини маълум даражада ҳал этган бўлсада, бугунги кунда ўзининг илмий, назарий ҳамда услубий жиҳатдан бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароити талабига тўла жавоб бермай қолганлиги сабабли, унинг ечимини топиш масалалари турибди.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади** - корхоналарда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

-номоддий активларнинг туркумланиши, баҳоланиши ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асосларини таҳлил қилиш;

-номоддий активларнинг моҳияти, аҳамияти, ўзига хос белгилари ва аудитининг хусусиятларини ўрганиш;

-номоддий активларнинг киримини бухгалтерия ҳисобда акс эттириш тартибини тадқиқ қилиш;

-номоддий активлардан фойдаланиш ва уларга эскириш ҳисоблаш тартибини ўрганиш;

-номоддий активларнинг чиқимини бухгалтерия ҳисобда акс эттириш тартибини тадқиқ қилиш;

-номоддий активлар аудитини ташкил этиш ва ахборот таъминот манбалари ҳолатини ўрганиш;

-номоддий активлар ҳаракатини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг услубий асослари билан танишиш;

-номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва аудит натижаларини умумлаштириш масалалари билан танишишдан иборатдир.

**Тадқиқот предмети бўлиб**, “Ўзбекгеофизика” ОАЖда номоддий

активлар ҳисоби ва аудитини ўрганиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқот объекти** сифатида “Ўзбекгеофизика” ОАЖда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш тизими фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари бўлиб**, Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг фармонлари ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудит услубиётига доир меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалари, шунингдек, “Ўзбекгеофизика” ОАЖда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини ақс эттирувчи маълумотлардан кенг фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишнинг натижалари** қуйидагилар билан изоҳланади:

-номоддий активларнинг туркумланиши, баҳоланиши ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари таҳлил қилинди;

-номоддий активларнинг моҳияти, аҳамияти, ўзига хос белгилари ва аудитининг хусусиятлари ўрганилди;

-номоддий активларнинг киримини бухгалтерия ҳисобда ақс эттириш тартиби тадқиқ қилинди;

-номоддий активлардан фойдаланиш ва уларга эскириш ҳисоблаш тартиби ўрганилди;

-номоддий активларнинг чиқимини бухгалтерия ҳисобда ақс эттириш тартиби тадқиқ қилинди;

-номоддий активлар аудитини ташкил этиш ва ахборот таъминот манбалари ҳолати таҳлил қилинди;

-номоддий активлар ҳаракатини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг услубий асослари билан ўрганилди;

-номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва аудит натижаларини умумлаштириш масалалари билан танишилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Илмий изланишлар натижасида олинган илмий хулоса ва таклифлардан олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу натижалар “Ўзбекгеофизика” ОАЖда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини ташкил қилишда ижобий самарадорликка эришишга имконият яратади.

**Ишнинг таркибий тузилиши** - кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборатдир.

## **1-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари**

### **1.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда номоддий активлар ҳисобининг назарий асослари**

Номоддий активлар хужалик юритувчи субъектнинг мулки ҳисобланган узок муддатли активларининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади, чунки субъект уз вақтида ушбу активларни ишлатиш ҳисобидан даромад олиш учун харажат қилган. Бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар асосий воситаларга ухшаб таърифга эга, яъни улар субъект томонидан фойдаланиш учун сакланади, узок муддатли асосда ишлатилиш мақсадида олинади ва оддий фаолият жараёнида сотилиш учун мулжалланмаган бўлади<sup>2</sup>.

Номоддий активлар ўзининг бажарадиган вазифаси ва бошқа асосий хусусиятлари билан асосий воситаларга ухшайди, шунинг учун ҳам узок муддатли активлар гуруҳида жойлашган, лекин жисмоний мазмунга ва қуринишга эга эмас.

Номоддий активлар қуйидаги талабларга жавоб берадиган активлар бўлиши керак:

- хужалик юритувчи субъектнинг фаолиятида фаол фойдаланилади, инвестиция сифатида сакланмаслиги ва сотиш учун олинмаслиги лозим;
- жорий ҳисобот даври тугагандан кейин наф келтириши лозим;
- ҳамма вақт моддий моҳиятга эга бўлавермайди.

Номоддий активларнинг қиймати муомалавий, молиявий ёки фоизли даромад келтирадиган имтиёзлар ёки ишбилармонлик ҳуқуқлари мажмуаси сифатида акс эттирилади ва унга гудвиллар, патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, савдо маркаси қиради. Ушбу активларнинг бошланғич қиймати асосий воситаларнинг қиймати сингари даврий эскириш қуринишида белгиланган тартибда харажатларнинг марказига қушилиб борилади ва номоддий активларнинг таркиби турлича бўлади (1-чизмага қаранг).

---

<sup>2</sup> Кондраков Н.П., Иванова М.А., Бухгалтерский управленческий учет: Учеб.пос. М.: ИНФРА -М,2006





1-чизма. Номоддий активларнинг таркибланиши

Гудвил - аниқлаб булмайдиган номоддий активлар. Гудвил аниқдаб булмайдиган, энг куп тарқалган ва муҳим бўлган номоддий активлар ҳисобланади. Гудвил фирманинг яхши характеристикалари натижасида пайдо буладиган кийматини белгилайди, бу эса фирманинг аниқ, активларидан қутилган даромадга қушимча даромадларни оширади. Гудвил олиш далилсиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин, фақат битта компания бошқа компанияни сотиб олгандагина ёки уларнинг қушилиши пайтидагина ушбу гудвил жорий ҳисобда тан олинади. Номоддий активлар алоҳида хусусиятларга эга булади (2-чизмага қаранг).

Номоддий активлар активлар сифатида қуйидагича аниқланади<sup>3</sup>:

- субъект фаолиятида фаол ишлатилади, инвестициялар сифатида ёки сотиш мақсадида сакланмайди;
- ҳозирги ҳисобот даври тугагандан кейин фойда келтириши керак;
- ҳар доим ҳам моддий моҳиятга эга эмас.

Номоддий активларнинг баҳоси фақат имтиёзлар ва тадбиркорлик ҳуқуқлари билан тақдим этилади. У фоизли, молиявий ёки муомалавий

<sup>3</sup> Жўраев Н. Номоддий активлар ҳисоби. -Т.: “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2006.

даромад келтиради. Уларга гудвил, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, савдо маркалари ва хоказолар киради.



2-чизма. Номоддий активларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари


Номоддий активларнинг баҳоси асосий воситаларга ухшаб, вақти-вақти билан эскириш қилинади, яъни активнинг ишлатилиши пайтида, фойдали вақт ичида харажатларни таркибига қушилади.

Ҳозирги кунда субъектларнинг иқтисодий ҳолати уларни такомиллаштиришни талаб қилади, давлат ичида ва ташқи ишлаб чиқарувчилар орасида рақобат ассортиментини янгила доирасида ва маҳсулотларнинг сифатини, бажарилаётган иш ва хизматларни оширишда субъектга янги мажбуриятлар қуяди.

Куйилган масалаларни ечишни таъминлаб турувчи инструментлардан бири номоддий активлар ҳисобланади, чунки улг моддий хусусиятга эга булмай махсулотни яратиш ва даромадларни олишда фаол катнашади. Уларга патентлар, лицензиялар, "ноу-хау", ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, брокерлик жойлари, савдо маркалари, программали дастурлар ва бошқалар киради.

Юкорида келтирилган 4та хусусият номоддий активларнинг ҳар хил категориялари учун бухгалтерия ҳисобининг усулларига таъсир килади.

Номоддий активларнинг ҳисоби моддий активларга, масалан, ер, бино ва ускуналарга кулланиладиган худди шундай тамойиллар ва тартибларини уз ичига мужассамлаштиради (3-чизмага қаранг).



3-чизма. Номоддий активларни ҳисобга олиш тамойиллари

Номоддий активларнинг ҳисобида 2та асосий масала мавжуд:

- ҳозирги ҳисобот даврида ушбу активлар кийматининг қайси қисмининг харажатлар ҳисобига кушилишини аниқлаш;
- балансда курсатилган коплаш кийматини ҳисоблашнинг зарурлиги.

Ушбу масалаларни ечиш учун куйидаги ишларни бажариш керак:

- номоддий активларнинг дастлабки кийматини тулик, тугри ва уз вақтида аниқлаш;

- номоддий активлар кийматининг тегишли кисмини улардан фойдаланиш жараёнида харажатларнинг таркибига тугри кушиш;
- номоддий активларнинг ишлатилиши билан боглик булган харажатларнинг хисобини тугри юритиш;
- номоддий активларнинг хисобдан чиқарилишини тугри ва уз вақтида хисобда акс эттириш.

Баҳо тамойилига кура, номоддий активлар уларни олиш пайтида сотиб олиш киймати буйича акс эттирилиши керак. Харид килиш киймати активларни харид килиш пайтида сарфланган ҳамма харажатларни, шунингдек, харид килиш баҳосини, ташиш буйича харажатларни ва юридик харажатларни, ҳамда харид қилиш билан боглик бошка харажатларни уз ичига олади. Харид килиш киймати бу ҳамма туловлар ёки олинган активларнинг ҳозирги бозор кийматидир. Агар номоддий актив текинга, бадал хисобига, бартер асосида тулик ёки кисман олинган булса эксперт томонидан белгиланган киймат, пул маблағлари билан туланган сумма ва бадалнинг ҳозирги бозор киймати унинг киймати хисобланади. Агарда ушбу кийматни аниқлаш имконияти булмаса, унда олинган номоддий активларнинг бозор киймати ишлатилади. Жорий хисобда номоддий актив бошлангич баҳоси буйича акс эттирилган. Олиш баҳоси, маслаҳат бериш буйича, маркетинг тадқиқотлари буйича харажатлар ва бошка харажатларнинг йигиндисидан ташкил топади. Бу харажатларнинг манбаси устав капиталга куйилган таъсис этувчиларнинг аъзолик бадаллари ва фаолияти пайтидаги сарфланган харажатлардир. Олиш манбасига кура улар хар хил баҳоланади ва куйидаги тартибда кирим килинади:

- таъсис этувчилар ва акциядорлар жамиятининг аъзолари томонидан устав капиталига куйилган улуш сифатида;
- бошка юридик ва жисмоний шахслардан олиш пайтида олиш баҳоси буйича, ҳамда етказиб бериш, урнатиш ва ишлатиш учун тайёрлаш буйича харажатларни кушган холда;

- текинга олган ҳолатларда эксперт баҳолаши буйича.

Номоддий активларни кирим қилиш қуйидаги дастлабки ҳужжатлар асосида амалга оширилади<sup>4</sup>:

- фойдаланиш ҳақидаги гувоҳнома;
- патент гувоҳномаси;
- дастур билан таъминланган ишни қабул қилиш далолатномаси;
- активларни қуйиш ҳақидаги баённома;
- нархни аниқлаш ҳақидаги баённома ва бошқалар.

Ушбу ҳужжатларда қисқача таъриф, бошланғич нархи, ушбу объектни ишлатишнинг усуллари ва муддатлари курсатилади.

Жорий ҳисобда ҳар бир актив учун алоҳида ҳисоб — регистр карточкалари очилади, кунда юқорида курсатилган маълумотлар қайд қилинади.

Номоддий активларнинг бошланғич баҳоси уларнинг эскиришларини ҳисоблаш ва ушбу суммани ишлаб чиқариш харажатларига ёки муомала харажатларининг таркибига киритиш учун аниқланади. Ҳар ойги эскириш суммаларининг миқдори хизматнинг муддатидан, даромад олиш муддатидан ва активнинг бошланғич баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

Номоддий активларнинг хизмат муддати қуйидагича аниқланади деб назарда тутилган: номоддий актив учун туланган суммаси фойдаланиш муддати ичида даромадларга муқобил ёки доимий бир хил усуллар билан қушилиши керак.

Номоддий активнинг қиймати доимий бир хил улуш тарзида активнинг ишлатилиш муддати ичида ёки мослик тамойилига қура активнинг тахминий ишлатилиши муддати ичида фойдаланиш муддатини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши керак<sup>5</sup>:

---

<sup>4</sup> Илхомов Ш.И. Инвестиция ҳисобида бухгалтерия ҳисоби ва аудити. Ном. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005.

<sup>5</sup> Камарджанова Н., Карташова И., Бухгалтерский финансовый учет: Учеб. пос.-2-е изд. –СПб: Питер, 2006.

1. Максимум ишлаш муддатларини чегаралай оладиган юридик, тартибга солувчи ва келишилган ҳолатлар;
2. Тахминий ишлаш даврини узгартира оладиган янгилик ва фойдаланиш муддатини узайтириш учун шароитлар;
3. Хизмат даврини қисқартиришга олиб келадиган, эскириш, талаб ва бошқа омиллар;
4. Кутилган ишнинг муддати ёки ишчилар гуруҳига мос келадиган физмат муддати;
5. Номоддий активнинг муҳим рақобатбардошлигини чегаралай оладиган кутилган рақобатчи ва бошқа субъектларнинг ҳаракати;
6. Ҳар хил хизмат муддатлари билан куплаб ажратилган активларнинг тузилиши мумкин булган номоддий активлар.

Хусусиятларига кура номоддий активларлар камдан-кам кийматига эга. Аник хизмат муддатига ёки ҳаракат муддатига эга булмаган номоддий активнинг киймати, албатта, исботлаб мулжалланган муддат асосида эскириш килиниши керак. Бу коида қушимча булишига қарамай, у даромадларни акс эттириш пайтида манипуляция учун мослик тамойилидан мумкин булган даражада суистеъмол килишнинг олдини олади.

Номоддий актив хизматининг иқтисодий муддатини аниклашда анча кийинчиликлар мавжуд булиб, иш муддатларини қуриб чиқиш учун давр талабига лойик булишини аниклаш учун даврий баҳолашларни утказиб туриш лозим. Хизмат муддати узгартирилган пайтда эскириш килинмаган киймат қуриб чиқилиб қолган хизмат муддати ичида эскириш килиниши керак. Лекин, ҳар қандай вазият пайтида эскиришнинг тулик даври активни фойдаланишга топшириш пайтидан бошлаб 40 йилдан ошмаслиги керак.

Гудвилнинг кийматини тугридан-тугри ҳисоблаб булмайди, чунки уни ажратиб ёки аниклаб булмайди. Бунинг учун ҳар бир ишлатиладиган усул билвосита ҳисобланади. Одатда, фирманинг тулик киймати баҳоланади. Кейин ҳар хил тенглаштириладиган активларнинг киймати аникланади.

Моддий ва номоддий активлар ҳамда фирма мажбуриятларининг хозирги киймати. Ушбу активлар ва мажбуриятларнинг орасидаги фарк гудвилнинг киймати сифатида курилади. Гудвилнинг кийматини хисоблашда сотиб олинган нарх катта роль уйнайди, чунки у кийматни шакллантирувчи иккита омиллардан биттаси хисобланади ва уларни бухгалтер гудвилни баҳолаганда ишлатади.

Сотиб олиш бахоси сотувчи ва сотиб олувчи орасидаги музокараларнинг натижасини акс эттиради ва томонларнинг музокараларни олиб бориш қўбилияти бу бахонинг даражасига сезиларли даражада таъсир этиши мумкин. Иккита томон фирманинг кийматини баҳолаб бериши керак. Фирманинг кийматини хисоблашда бир канча усуллар mavжуд. Лекин, бу ерда фақат битта усул келтирилган, у ҳам булса, қўшимча фойда усулидир.

Қўшимча фойда усули фирманинг кийматини хисоблашнинг усулларида асосийси булиб унинг фойда олиш қўбилиятини баҳолаш хисобланади. Ушбу одатда қўшимча фойда усули қуйида келтирилган бешта босқичнинг бажарилишини талаб қилади:

1. Келгусида қўтилаётган даромадни баҳолаш;
2. Даромадлиликнинг оддий даражасини аниқлаш;
3. Оддий фойданинг суммасини аниқлаш;
4. Қўшимча фойданинг суммасини аниқлаш;
5. Гудвилни хисоблаш (субъектнинг ҳақиқий киймати билан келишилган бахонинг уртасидаги фарк).

Охирида фирма субъектни сотиб олгандан кейин сотиб олувчи ҳар бир тенглаштирилган актив ва гудвил счётиларининг дебети ва ҳар бир қабул қилинган мажбуриятларни, Қиймат тамойилига мувофиқ, кредитлаш орқали рўйхатга олади. Қиймат тамойили ҳамма моддаларни сотиб олиш пайтида баҳоланган ҳаққоний бозор нархи буйича рўйхатга олишни таъминлайди. Сотиб олинган санадан кейин ҳар бир активнинг эскириши, қамайиши ёки эскириши, гудвилни ҳам эътиборга олиниши керак. Гудвилнинг эскиришини

куриб чикишдан олдин, агар сотиб олиш бахоси олинган соф активларнинг хакконий кийматидан паст булса гудвилни тан олиш тартибини куриб чикиш лозим.

## **1.2. Иқтисодиётни интеграциялашуви жараёнида корхоналарда номоддий активларнинг аудитини ташкил қилишнинг услубий асослари**

Республикамызда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши туфайли компания маблағлари ва маблағлар манбаларини, шунингдек, уларнинг ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш услубида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлган ва тегишли назорат ўрнатилишини талаб этувчи хўжалик маблағларининг янги турлари пайдо бўлди. Бозор ислохотларининг чуқурлаштирилиши ва иқтисодётнинг эркинлаштирилиши туфайли компаниялар, фирмалар ва акциядорлик жамиятларининг хўжалик юритиш амалиётида мулкчилик ва муомалаларнинг янгича турлари кириб келмоқда. Булардан бири номоддий активлардир.

Номоддий активларга патентлар, лицензиялар, «ноу-хоу», савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, дастурий таъминот, гудвилл, ташкилий харажатлар, франшизалар, муаллифлик ҳуқуқлари, ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, хизмат кўрсатиш белгилари ва бошқалар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу соҳада бир қанча масалалар ҳозирги кунда ўз ечимини кутмоқда, халқаро тажриба суст ўрганилмоқда. Иккинчи томондан, номоддий активлар ҳақиқатан, ҳатто дунё амалиёти учун ҳам мураккаб ва хилма-хил тушунча бўлиб, хусусан уларни ҳисобга олиш ва ҳисоботда акс эттириш ҳамда аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича ягона халқаро ва миллий стандартларнинг йўқлиги ҳамда бу муаммолар бўйича давом этиб келаётган принципиал келишмовчиликлар бундан далолат беради.



Хусусан, бизнинг республикамизда ҳам номоддий активларни аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар ҳали ишлаб чиқилмаган<sup>6</sup>.

Ҳозирги кунда номоддий активларни ҳисобда ва ҳисоботда акс эттириш масалаларига сезиларли даражада эътибор кучайди. Булар иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва чет эл инвестицияларининг кўплаб жалб қилиниши, молия бозорларининг ривожланиши; жаҳон иқтисодиётида яққаҳоқимлик учун рақобатли курашнинг кучайиши, фан-техника тараққиётининг жадаллашиши ва мураккаблашуви каби жаҳон иқтисодий тараққиёти умумий тенденцияларининг қонуний оқибати ҳисобланади.

Мавжуд меъёрий ҳужжатлар ва амалий тажрибага таянган ҳолда номоддий активлар аудитини қуйидаги тартибда ўтказиш мақсадга мувофиқдир: ҳисоб объектларининг номоддий активлар қаторига тўғри киритилганлиги, интеллектуал мулк, саноат намуналари ва шунга ўхшашлар учун компанияга мулк ҳуқуқ берадиган ҳужжатларни таҳлил қилиш, ҳужжатларда акс эттирилган қиймат кўрсаткичларини ўрганиш, номоддий активлар кирими, эскириш ҳисоблаш ва ҳисобдан чиқарилишига доир муомалаларнинг бухгалтерлик ҳисобида тўғри акс эттирилиши; номоддий активларнинг ҳақиқатда мавжудлигини инвентаризация қилиш; номоддий активларни ҳисобга олиш ва унинг ҳуқуқий жихатдан тўғри расмийлаштирилганлиги ҳақидаги хулосаларни умумлаштириш ва аниқланган хато камчиликларни тузатиш бўйича тадбирлар белгилаш.

Моҳиятига кўра номоддий активлар қаторига жисмоний шаклга эга бўлмаган, лекин компания фаолиятида унинг бошқа активлари қаторида қатнашиб даромад келтирувчи маблағлар киритилади.

Номоддий активларнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат: буюмлашган кўринишга эга эмаслиги; узоқ вақт давомида ишлатилиши;

---

<sup>6</sup> Илхомов Ш.И. Инвестиция ҳисобида бухгалтерия ҳисоби ва аудити. Ном. дисс. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2005

компанияга фойда келтириш; уларни ишлатишдан олиниши мумкин бўлган фойда ҳажмининг нисбатан юқори даражадаги ноаниқлиги<sup>7</sup>.

НоMODдий активларнинг моҳиятига кўра қуйидагича туркумланади (хусусиятларини кўриб чиқамиз: саноат интеллектуал мулк объектларига кашфиёт ҳуқуқи, саноат намуналари, товар белгилари, савдо маркалари, хизмат кўрсатиш белгилари киради (4-чизмага қаранг).



4-чизма. НоMODдий активларнинг туркумланиши

Кашфиёт ҳуқуқи кашфиёт эгасига қарор қабул қилиш учун махсус берилган ҳуқуқдир. Кашфиётларни муҳофаза қилишнинг энг кўп тарқалган тизими уларни патентлашдир.

Патент - бу юридик жиҳатдан тан олинган ва рўйхатга олинган мутлақ ҳуқуқдир. Патентга оид ҳуқуқ унинг эгасига ташқаридан бошқа шахслар аралашмаслиги шарти билан патент амал қиладиган буюмдан, жараён ёки фаолиятдан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва назорат қилиш имконини беради.

Патентнинг патент органларида рўйхатдан ўтказилиши унинг ҳимояланишига кафолат бермайди ва у судда муваффақият билан ҳимояланмагунига қадар рақобатбардош бўла олмайди. Шунинг учун ҳам судда муваффақиятли ҳимоя қилиниши билан боғлиқ харажатларни патент

<sup>7</sup> Жўраев Н., Холбеков Р., Абдуваҳидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й

баҳосининг бир қисми сифатида капиталлаштириш лозимлиги тўғрисида умумий келишув мавжуд.

Агарда суд жараёни бой берилган бўлса, у билан боғлиқ харажатлар ҳам амортизация қилинмаган патент қиймати ҳам ҳисобдан чиқарилади. Патентнинг баланс қиймати зарардан нолга тенг бўлиши мумкин бўлган қийматгача камайтиради.

Саноат мулклари объектларининг ўзига хос хусусияти, уларга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи муҳофаза ҳужжатларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Аудит жараёнида номоддий активлар муҳофаза ҳужжатларининг ҳақиқийлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунда, қоидага кўра патент эгасида сақланадиган, фақат битта расмий муҳофаза ҳужжати берилишини, мазкур объектдан лицензияга асосан фойдаланадиган шахсларда эса муҳофаза ҳужжатининг нусхаси бўлиши лозимлигини назарда тутиш керак.

Савдо маркалари - компанияларга, маҳсулот ёки хизматларга оид берилган номлар, рамзлар ёки бошқа хил идентификациялар<sup>8</sup>. Улар эгалик қилишни асослаш учун рўйхатга олинishi, рўйхатга олинганлари эса - уларнинг фаолият муддатларини маълум бир даврга узайтириш асосида янгилашиб бориши мумкин. Бундай ҳолларда номланишлар, рамзлар ва маҳсулотнинг бошқа аниқловчи идентификациялари юридик жихатдан ҳимояланади.

Савдо маркасини сотиб олиш чоғида тўланган пул маблағлари суммаси капиталлаштириб борилади. Унга ишлов бериш, уни ҳимоя қилиш, кенгайтириш, рўйхатдан ўтказиш ёки судда ҳимоя қилиш натижасида юзага келган суммалар ҳам капиталлаштирилади.

Шу тариқа капиталлаштирилган суммалар савдо маркасининг фойдали хизмат қилиши муддати мобайнида ёки ушбу муддатлардан қайси бири

---

<sup>8</sup> Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. Санкт-Петербург. 2007. 27-стр.

нисбатан қисқа бўлиб чиқишидан келиб чиққан ҳолда - 40 йил мобайнида амортизация қилиниши лозим.

Товар белгилари бирорта компания товар (хизмат)ларини бошқа компаниялар товарлари ёки хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгилардир. Улар оғзаки, тасвирий, ҳажмли ва бошқача кўринишларда бўлишлари мумкин. Асосий фаолияти ҳар хил хизмат кўрсатишдан иборат бўлган ташкилотлар томонидан фойдаланадиган хизмат кўрсатиш белгилари ҳам товар белгиларига тенглаштирилган. Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ишлатиладиган товарлар ёки кўрсатиладиган хизматларга махсус ҳуқуққа эгалликни тасдиқлайди. Бу белгилар товарларга ёки кадоқланган идишларга, чизмаларга, проспектларга, счётларга, бланкаларга, товарларни кузатувчи ёки уларни сотишга доир муомалалар билан боғлиқ ҳужжатлар ёрликларига туширилади.

Товар белгиси гувоҳномаси товар белгисидан фойдаланадиган шахснинг ҳуқуқини тасдиқловчи муҳофаза ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Фойдали модел ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг, шунингдек, улар таркибий қисмларининг конструктив бажарилиши каби тавсифланади. Фойдали модел гувоҳномаси фойдали моделни ишлатиш учун унинг эгасига махсус ҳуқуқ берувчи муҳофаза ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Саноат намуналари учун ҳуқуқ халқ истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш техник мўлжалдаги буюмларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган, бадий конструкторлик ечимлардан фойдаланиш ҳуқуқидир. Саноат намуналари жисмонан ҳажм эгаллайдиган модел ёки ясси тасвири саноат расми кўринишда бўлиши мумкин.

ЭХМ учун дастур таъминоти ва маълумотлар базасининг қиймати номоддий активлар сифатида уларни харид қилиш сарфлари ва компаниянинг ўзида ишлаб чиқиш сарфларини ифодалайди, шу билан бирга дастур таъминоти стандарт ёки буюртмали бўлиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олинади.

Дастур воситалари техник хужжатлаштириш билан биргаликда маълумотларни ифодаловчи воситада намойиш этади. ЭХМ учун дастур таъминотларини ва маълумотлар базасини муҳофаза қилиш муаллифлик ҳуқуқи воситалари орқали амалга оширилади.

Фирманинг амалий шухрати - Goodwill - бухгалтерлик ҳисоби ва аудитга оид адабиётларда ҳар хил номланади. Масалан, фирманинг баҳоси, фирманинг яхши номи, фирманинг амалий алоқалари ва бошқалар. Фирманинг амалий шухратига ҳар хил омиллар таъсир этади. Жумладан, харидорлар, кредиторлар ва хизматчилар билан муносабатлар, ишлаб чиқариш ва бошқарув тузулмаси, фирманинг жойлашган ўрни ва бошқалар. Номоддий активларнинг бу тури ўзининг мазмунига кўра сотган компания балансида турган мулкларнинг баҳоси билан сотиб олган компания томонидан тўланган ҳақиқий баҳо ўртасидаги фарқ сифатида ифодаланади. Кўриниб турибдики, номоддий активларнинг бу тури одатда бир компания томонидан қандайдир бир бошқа бирон бир компанияни сотиб олишда вужудга келади.

Агар сотилаётган компания ёки харидорлар фирма обрўсининг қийматини олдиндан билишни хоҳласалар, у ҳолда улар компания оладиган ўртача тармоқ фойдасидан ошадиган фойда нормасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқаришлари мумкин.

Франшизалар<sup>9</sup> одатда ҳукумат органлари томонидан давлат мол-мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш учун ёки коммунал хизматлар кўрсатиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан аниқ мақсадлар ва аниқ хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилишлари учун берилади.

Франшиза тўғрисидаги ҳар бир шартнома франшиза ҳақиқий бўлиб ҳисобланадиган даврни, шунингдек франчайзор (фойдаланишга оид ҳуқуқ

---

<sup>9</sup> Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларни аудит қилишнинг назарий ва услубий асослари. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Док. дисс. 2005. -310 бет

имтиёзини берувчи субъект)нинг ва франчайзи (ушбу имтиёзни олувчи субъект)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштиради.

Кўпинча франшизани олиш қиймати юқори бўлади ва одатда франчайзи франчайзорга унинг бошланғич қиймати капиталлаштирилиши ва ундан кейингина харажатлар юзасидан ҳисобдан чиқарилиши лозим. Агар у маълум бир муддат асосида чеклаб қўйилган бўлса, унинг қиймати оқилона ва мунтазам тарзда мазкур давр учун амортизация қилиниши лозим. Агар маълум аниқ бир муддат белгиланмаган бўлса, амортизация қилиш унинг олдинги даврий баҳолари билан биргаликда аниқ белгиланган хизмат қилиш муддатига асосланиши лозим. Мазкур баҳолашлар олдинги баҳолашларнинг қайта кўриб чиқилиши заруратини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бирок тўлиқ амортизация даври 40 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Муаллифлик ҳуқуқлари бу фан, адабиёт ёки санъат асарларини нашр қилиш, оммавий ижро этиш ёки бошқача тарзда фойдаланиш учун махсус бериладиган ҳуқуқдир. Муаллифга шахсан мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқлар бириктирилади. Муаллифнинг ҳаётлигида ёки ўлимидан сўнг бегона қилинмайдиган ёки бошқа бировга ўтказилмайдиган муаллифлик ҳуқуқи муҳим номулкӣ ҳуқуқ ҳисобланади.

Муаллифлик мулкӣ ҳуқуқи асарлардан фойдаланиш ва бошқа шахсларга ўтказиш, шунингдек, авлоддан-авлодга ўтказишда унга тегишли махсус ҳуқуққа асосланади.

Муаллифлик ҳуқуқи фан, адабиёт ёки санъат асарларининг яратилиши билан вужудга келади ва уни ҳимоялаш суд орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, саноат, интеллектуал мулклар аудитининг бошқа активлар аудитидан фарқ қилувчи тавсифловчи хусусиятлари объектларни экспертиза қилиш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни таҳлил қилишдан иборатдир. Шунинг учун ушбу объектлар аудитида бу объектларга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни техник таҳлил қилиш зарур. Бунинг учун саноат ва интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишни юридик

расмийлаштириш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида ишлайдиган, патент билан ишонч билдирилган мутахассисларни консултант сифатида жалб этиш керак.

Шундай қилиб, номоддий активлар ҳақидаги маълумотларни балансда акс эттириш борасида ҳар хил мамлакатларда турлича ёндошувлар мавжуд, шунингдек бир хил иқтисодчиларнинг ўзларида бу маблағларга нисбатан карама-қарши тушунчалар учрайди. Миллий ва халқаро стандартларда кўрсатилишича, у ёки бу бирликларни баланс активига қўшиш шундай ҳолларда бўлиш мумкинки, агар у тўғрисидаги маълумотлар ишончли ва унинг пулда баҳоланиши асосланган бўлса, агар шу бирликдан иқтисодий ресурслар ёки иқтисодий фойда олиш эҳтимоли мавжуд бўлса.

## **2-Боб. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳисобининг амалиёти ва уни такомиллаштириш**

### **2.1. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг киримини ҳисобга олиш амалиёти ва уни такомиллаштириш**

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳолати ва ҳаракати бошлангич ҳужжатлар маълумотларига асосан 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар”да ҳисобга олинади. Ушбу счётлар тизимида (0400) номоддий активларнинг аниқ, турларининг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш мақсадида қуйидаги счётлар очилган<sup>10</sup>:

0410- "Патентлар, лицензия (рухсатнома) ва "ноу-хау"

0420- "Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари"

0430- "Дастурий таъминот"

0440- " Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари"

0450- "Ташкилий ҳаражатлар"

0460- "Франшизалар"

0470- "Муаллифлик ҳуқуқлари"

0480- " Гудвилл"

0490- "Бошка номоддий активлар"

Объектларнинг номоддий активлар каторига киритиш тартибини ва уларнинг таркиби тегишли қонунчилик ҳужжатлари ҳамда 7-БХМС "Номоддий активлар" га асосан тартибга солинади. Бу счётларнинг сальдоси (қолдиқ) мазкур объектнинг бошлангич баҳосини акс эттиради, дебети бўйича обороти бу активларнинг эгаллаш пайтида (қелиши), таъсисчилар томонидан ажратиш пайтида бошлангич нархи бўйича ёки қелишилган нарх бўйича қабул қилиш пайтидаги қиримидир. Бу суммалар 6010- "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар", 6110-"Мустақил балансга ажратилган бўлинмаларга туланадиган счётлар", 4710-"Таъсисчиларнинг бадаллари бўйича қарзлари", 5110-"Ҳисоблашиш" счёти,

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2005



5210 ва 5220- "Валюта счёти" лари каби счётларнинг кредити буйича акс эттирилади. 0400-"Номоддий активлар" счётларининг кредити буйича бу активларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда ушбу суммалар бир вақтнинг узида 9220-"Бошка активларни сотиш ва бошка ҳисобдан чиқаришлар" счётининг дебети буйича ёзиб қуйилади.

Номоддий активлар ҳаракатини ҳисобга олувчи дастлабки ва жамлама ҳужжатлардан фойдаланилади (5-чизмага қаранг).

Номоддий активни ҳисобга олишда қўлланиладаги ҳужжат шакллари	НМА-1 шакл -	«Номоддий активларни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси» - асосий воситаларнинг кириш ва чиқимини қайд қилиш учун.
	НМА-2 шакл -	«Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» объектларни тугатиш учун.
	НМА-3 шакл -	«Номоддий активлар амортизациясини ҳисоблаш қайдномаси»
	НМА-4 шакл -	Номоддий активларни ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиши буйича корхона раҳбари буйруғи
	НМА-5 шакл -	«Номоддий активлар объектларидан фойдаланиш муддатлари тўғрисидаги баённома»
	НМА-5а шакл -	«Номоддий активнинг махфийлиги тўғрисидаги корхона раҳбарининг буйруғи» - 8-илова

5-чизма. Номоддий активларни ҳисобга олувчи бирламчи ҳужжатлар.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг қабул қилиниши пайтида аналитик ҳисобнинг карточкалари (6-А-В шакли) тулдирилади ва бу маълумотлар мос бўлган жамгарма қайдномаларга қучирилади.

Номоддий активларнинг кирими пайтида: — устав капиталига киритилган таъсисчиларнинг улуши сифатида: 0400-«Номоддий активлар» счётларининг дебети, 4710-"Таъсисчиларнинг бадаллари буйича қарзлари" счётининг кредити;

– бошка шахслардан активларни сотиб олишда юк хати ва қабул қилиш далолатномалари асосида: 0400-"Номоддий активлар" счётларининг дебети, 0830-"Номоддий активлар сотиб олиш" счётининг кредити;

– агар активлар бошка шахслардан текинга ёки давлат томонидан ёрдам сифатида олинса: 0400-"Номоддий активлар" счётларининг дебети, 8510-"Устав капитала (фонди)" (давлат компаниялари учун) ва 9910-"Якуний

молиявий натижа" счётининг кредити (бошка субъектлар учун) ва бир вақтда уларнинг эскиришларининг киймати тасдиқланган меъёр асосида акс эттирилади. "Сарфлар (харажатлар)" сётларининг дебети- 2000,, 2300, 2500, 3100, 9410, 9420, 9430, 9450 ва шунта ухшашлар ва 0500-"Номоддий активларнинг эскириши" сётларининг кредитида кайд қилинади (6-чизмага қаранг).

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Сётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш	2010, 2310	0510- 0590
2	Умумишлабчиқариш мақсадида ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш	2510, 2710	0510- 0590
3	Савдо корхоналарида фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда	9410	0510- 0590
4	Бошқарув мақсадида фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда	9420	0510- 0590
5	Қуйидаги мақсадларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда: а) янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида; б) умумий ёки яқка тартибда ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда; в) қазиб чиқарувчи тармоқларда тайёргарлик ишларида	9440	0510- 0590
6	Капитал қуйилмаларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда	0810- 0890	0510- 0590

6-чизма. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг баҳосига қушилган киймат солиғи (ККС) нинг суммаси қиради, шунинг учун бу активларга эга бўлиш пайтида солиқнинг суммаси 6410-"Бюджетга туловлар юзасидан қарзлар" сётида алоҳида ҳисобга олинади ва 6 ой ичида бюджетга ўтказишга лойиқ бўлган ҳисобланган солиқнинг умумий ҳисобидан (суммасидан) чегириб қолинади.

## **2.2. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга эскириш хисоблаш тартиби ва уни такомиллаштириш**

Ишлатиш пайтида номоддий активлар аста-секин эскиради, узининг фойдали хусусиятларини йукотади ва эскириш суммасининг жамгарма хисоби учун 0500- "Номоддий активларнинг эскириши" счётлари туркуми кулланилади. Ушбу счётлар тур кумида куйидаги счётлар очилган<sup>11</sup>:

0510- "Патент, лицензия ва ноу-хаунинг эскириши"

0520- "Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши"

0530- "Дастурий таъминотнинг эскириши"

0540- " Ердан ва табиий ресурслардан. фойдаланиш ҳуқуқларининг эскириши"

0550- "Ташкилий харажатларнинг эскириши"

0560- "Франшизаларнинг эскириши"

0570- "Муаллифлик ҳуқуқларининг эскириши"

0580- " Гудвиллнинг эскириши"

0590- "Бошка номоддий активларнинг эскириши"

"Номоддий активлар" номли 7-сон БХМСга асосан номоддий активларга оид эскириш миқдори уларнинг эскиришланадиган киймати ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиққан ҳолда белгиланган меъёрлар асосида ҳар ойда хисоблаб чиқилади. Фойдали хизмат муддатини аниқлаш имкони булмаган номоддий активлар буйича эскириш 5 йил муддат (субъект фаолиятдан ортикча муддатда булмаган ҳолда) хисобида белгиланган<sup>12</sup>.

Номоддий активларга эскириш куйидаги усуллар бўйича хисобланади<sup>13</sup>:

- тугри чизикли ёки тенг равишда;
- ишлаб чиқариш бирликларининг миқдори асосида;

<sup>11</sup> Очилов И, Курбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма -Т.: 2004, 256 бет

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2005

<sup>13</sup> Жўраев Н., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: 2010 й, 310 бет

– камайиб борувчи колдик усулида.

Хар бир хисобот даврининг охирида номоддий активларнинг фойдали хизмат даврини кайта куриб чиқиш зарур. Агарда башорат (прогноз) дастлабки баҳолашдан фарк килса жорой ва келгуси даврлар учун хисобланадиган эскириш суммасини ошириш ёки камайтириш зарур.

Бу счётлар тартибга солиб турувчи счётлар деб хисобланади, унинг кредитида ишлатиш даврида харажатларнинг бадал суммаси акс этади, дебети буйича эса чикиб кетган активларнинг эскириш суммаси акс этади. Ушбу эскириш суммаси объектларнинг харажатларига кушилган булади: 2010-"Асосий ишлаб чиқариш", 2310- "Ёрдамчи ишлаб чиқариш", 2500-"Умум ишлаб чиқариш харажатлари", 9410, 9420, 9430-"Давр сарфлари" ва 2710-"Хизмат килувчи хужаликлар", 3100-"Келгуси давр харажатлари" ва бошқа счётларнинг дебетида кайд килинади (7-чизмага қаранг).

Эскириш суммасини хисоблаш усуллари активнинг ишлатилишини акс эттириши керак. Эскириш хисоблашда тугри чизикли усулдан фойдаланиш афзалроқ. Ишлаб чиқариш усули, тезлаштирилган эскириш усули ва бошқа хил усуллар эса аниқ шароитлардан келиб чиққан ҳолатларда ишлатилиши мумкин.

Номоддий активнинг эскириши асосан йилнинг охирига тузатиш ёзуви билан боғлиқ. Эскиришга лойик деб топилган сумма эскириш буйича харажатларнинг дебети ва номоддий активларнинг эскириши счётининг бевосита кредитига ёзилади.

0400-"Номоддий активлар" ва 0500-"Номоддий активларнинг эскириши" счётлари туркуми буйича синтетик хисоб муомалалари 10 ва 13-сонли журнал-ордерларида олиб борилади<sup>14</sup>.

Счётларнинг кредитидан	Счётларнинг дебетидан
Дебет	Кредит

<sup>14</sup> Каримов А ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2004. 592 бет

9220 - Чикиб кетган номоддий активлар буйича эскиришининг камайиши: - сотиш натижасида - текинга бериш - бартер усулида бериш - табиий офатда бериш	С – хисобот даврининг бошига НМА эскириш суммаси Хисобот даврида фойдаланилган активларнинг эскириш суммаси:
9390 – Жорий даврда меъёрдан ортикча хисобланган эскириш суммасини чегириш	0800 – Капитал куйилма жараёнида фойдаланилаётган
	2010- асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган
	2310 – ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган
	2320 - бошқа ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган
	2510 - умумишлаб чиқаришда фойдаланилаётган
	9419 – сотиш жараёнида фойдаланилаётган (ёки савдода)
	9426 – маъмурият томонидан фойдаланилаётган
	9440–янги махсулотларни ишлаб чиқиш, технологияни узлаштириш, казиб олувчи тармокда тайёргарлик ишларида фойдаланилаётган
	2010, 2300, 2510, 9400 – Жорий даврда меъёрдан кам хисобланган – эскириш суммасини меъёрга мувофиқ объектларга қушимча хисоблаш

7-чизма. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга эскириш ҳисоблаш тартиби

Гудвилнинг эскириши. Гудвил тан олингандан кейин унинг қийматини нима қилиш керак? Амалиётда қуйидаги 3та вариант қулланилади:

1. Гудвилни дархол узининг капиталига қушиб қуйиш. Чунки компания ичида ташкил қилинган гудвил дархол харажатга киритилган бўлади, айрим бухгалтерлар, кетма-кетлик тамойилига асосан олинган гудвилни тезда харажатга чиқаришни таклиф қиладилар. Бундан ташқари гудвилнинг

харакат даври ноаник, шунинг учун дархол хисобдан чиқаришни один қарор деб ҳисоблайдилар.

2. Агар қийматнинг камайиши юз бермаса, гудвилни аниқсиз қолдириш. Айрим бухгалтерлар гудвил фаолиятнинг муддатига эга ва унинг қиймати пасаймағунича у актив сифатида қолиши керак деб таъкидлайдилар.

3. Гудвилни унинг фаолият муддатига эскириш ҳисоблаш. Айрим бухгалтерлар гудвил аста-секин камаяди ва ишлатилади, бунинг оқибатида уни гудвилдан олинган иқтисодий фойдани олиш давридаги харажатларга эскириш сифатида қўйиш деб таъкидлайдилар.

Энг қўп тарқалган бухгалтерия сиёсати бўлиб гудвилни унинг фойдали фаолияти даври ичида қўйиб қўйиш (учинчи вариант). Лекин эскириш ҳисоблаш даври ҳеч қачон 40 йилдан қўп бўлмаслиги керак. Афсуски, гудвилнинг хизмат муддати баҳолаш одатда қийин бўлади. Бундан ташқари, агар компания сотиб олинган гудвилни субъект ичида ташкил қилинган гудвилга ишлаб чиқариш харажатлари билан бирга эскиришга чиқарилса, сотиб олинган гудвил бўлмаган, эскиришни талаб қилмаган рақобатчиға нисбатан фойдани баҳолашда фарқ, пайдо бўлади.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда эскиришнинг йиллик суммаси чиқарилган дастур таъминоти асосида ҳисобланади ва қўйидагилардан ташкил топади:

– дастурнинг фойдаланиш даври ичида қўйилган ва олинган ялпи даромаднинг уни сотишдан олинган янги даромадиға нисбатан коэффициентидан;

– дастурдан фойдали фойдаланиш давриға эскиришни бир текисда тақсимлаш усулини қўллаш натижасида ушбу сумма аниқланади.

Табиий ресурслар ҳам тугатилаётган актив қаториға қиради, чунки ушбу ресурсларнинг қазиб олинishi натижасида улар аста-секин камая бошлайди. Бунта яққол мисол тариқасида урмон майдонлари, нефть, табиий газ, маъдан бойликлари олтин, қумуш, тошқумир ва бошқаларни қўйириш мумкин.

Ушбу табиий бойликларнинг хисобини юритиш жуда кийин, чунки куйидаги муаммолар мавжуд:

- ушбу табиий ресурслардан фойдаланишни амалга ошириш жараёнида уларнинг кийматини аниклаш тартибини белгилаш;
- ушбу аниқланган кийматни эскириш курунишида молиявий натижа тугрисида хисоботга кайд килиш.

Табиий ресурсларнинг кийматини аниклаш жараёни энг аввало унинг кийматини акс эттириш учун қайси сарфларни ва қанча миқдорда номоддий активларга капиталлаштириш лозимлигини аниқ белгилашни тақозо қилади. Кейинги муаммо эса ушбу кийматнинг хисобдан чиқарилиш тартибидир, яъни эскириш даражасини белгилашдир. Хисобот даврида сарфланган табиий ресурсларнинг киймати уларнинг қамайишини билди ради.

Қамайиш учун асос бу ушбу ресурсларни казиб олиш жараёнида эскириш курунишида кийматига қушиш учун олдиндан номоддий актив сифатида ушбу суммани капиталлаштиришдир. Ушбу сумма, яъни капиталлаштирилган киймат ушбу бойликдан фойдаланиш жараёни тугамагунча копланмайди. қолдиқ киймат эса активнинг қамайиш асосини аниқлашга таъсир қилади. Кийматнинг ижобий қолдиғи активнинг қамайиш асосини хисоблаётганда капиталлаштирилган кийматдан чегирилади.

Тугатилаётган объектни тайёрлаш билан боғлиқ ҳар қандай харажат ушбу қамайишнинг асосига қушилади. Ушбу булимни чуқурроқ урганиш мақсадида «Ўзбекгеофизика» ОАЖда содир бўлган жараённи келтирамиз<sup>15</sup>:

1. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда келишилган нарх буйича 150000 сум (ККСни хисобга олиб 22500) техник ҳужжатлар ва компьютерлар учун дастурларга эга булди:

Дт 0430-"Дастур таъминоти" счёти- 150000 сум

Дт 6410-"Бюджетга туловлар буйича қарз" счёти- 30000 сум

---

<sup>15</sup> 2011 йилда «Тошкентвино» акционерлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан олинди

Кт 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланидиган счётлар" счёти- 180000 сум.

Номоддий активларнинг кийматини тулашда:

Дт 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланидиган счётлар" счёти-180000 сум, Кт 5110-"Хисоблашиш счёти" - 180000 сум.

2. Таъсис хужжатлари асосида акцияларнинг бахоси 1600000 сум хисобига акциядорлик жамияти бинодан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олди:

Дт 0410-"Патентлар, лицензия ва "ноу-хау"" счёти- 1600000 сум

Кт 4610-"Таъсисчиларнинг қарзи" счёти- 1600000 сум.

3. Фирма бошқа компаниядан ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун эҳсон сифатида патент олди, патентнинг нархи 48000 сум:

Дт 0410-"Патентлар, лицензия ва "ноу-хау"" счёти- 48000 сум;

Кт 8530-"Текинга олинган мулк" счёти- 48000 сум

4. Олинган дастурий маҳсулот буйича ҳозирги ойга эскиришлар хисобланган- 5000 сум.:

Дт 2510- "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" счёти- 5000 сум

Кт 0530-"Дастурий таъминотнинг эскириши" счёти- 5000 сум.

### **2.3. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг чиқимини хисобга олиш ва уни такомиллаштириш**

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг чиқиб кетиши пайтида, унинг эскиришга чиқарилмаган киймати номоддий активлар счётида чиқиб кетишдан олинган фойда ёки қурилган зарарлар сифатида акс эттирилади.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар қуйидаги ҳужалик муомалаларининг таъсири натижасида субъектнинг мулкидан чиқарилади<sup>16</sup>:

---

<sup>16</sup> Жўраев Н., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: 2010 й, 310 бет



– бошка субъектларга келишилган нарх асосида сотиш окибатида: Дт 9220-"Бошка активларнинг сотилиши ва бошка чикимлар" счёти, Кт 0400-"Номоддий активлар" счёти;

– бошка юридик ва жисмоний шахсларга колдик нарх буйича текинга утказиш окибатида, Дт 9220-"Бошка активларнинг сотилиши ва бошка чикимлар" счёти, Кт 0400-"Номоддий активлар" счёти;

– бутунлай эскириши ёки даромад олиш хусусиятининг йуколиши окибатида: Дт 9220-"Бошка активларнинг сотилиши ва бошка чикимлар" счёти, Кт 0400-"Номоддий активлар" счёти;

– хисобланган эскиришлар хисобига: Дт 0500-"Номоддий активларнинг эскириши" счёти, Кт 9220-"Бошка активларнинг сотилиши ва бошка чикимлар" счёти;

– бошка фирма, филиаллар ва кушма компанияларнинг устав капиталига таъсис бадали сифатида утказиш окибатида: Дт 9220-"Бошка активларни сотилиши ва бошка чикимлар" счёти, Кт 0400-"Номоддий активлар" счётига кучирилади.

Номоддий активларнинг субъект мулкидан чикиб кетиши акциядорларнинг ёки таъсисчиларнинг йигилишидаги кучириш, ушбу активларни хисобдан чикариш хакидаги баённомалари, кабул килиш ёки утказиш даполатномалари асосида амалга оширилади.

Илмий текшириш ва ихтиролар учун сарфлар куп компанияларда мухим харажатлардан бири хисобланади. Илмий текшириш ишлари ва ихтироларга куйидаги таърифлар ва аникликлар берилган<sup>17</sup>:

– илмий текшириш ишлари- бу янги илмий ёки техникавий билимларни олиш ниятида кабул килинган ва режалаштирилган изланиш ишлари. Бундай турдаги изланиш ишлари аник мақсад еки куллашга каратилган булиши мумкин.

---

<sup>17</sup> Каморджанова Н., Карташова И. Бухгалтерский финансовый учет: Учеб. пос. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2006. – 480 с.

– ихтиролар - бу илмий текширишлар, изланишларнинг ёки бошқа билимларнинг инги ёки мутлок такомиллаштирилган материаллар, ускуналар, махсулотлар, жараёнлар, тизим ёки хизматларни режалаштириш ёки ихтиролар натижаларининг амалиётга утказилишидир. Ихтиролар тушунчаларини таърифлаш, ихтиро махсулотлари ни текшириш ва синовдан утказишни, прототипларни куриш, шунингдек, синовчи компанияларни ишлатишни уз ичига олади. Ривожланишга мавжуд махсулотга, ишлаб чикариш линияларга, кайта ишланган оддий еки даврий узгартиришларни киритиш билан боглик сарфлар бунта кирмайди. У яна уз ичига бозорни урганишни ёки бозордаги товарларни урганиш сарфларини олиши мумкин.

ИТИ буйича ишларни бажариш учун курилган ёки олинган иншоот ва асбоб-ускуналар капиталга ёзилиши керак. Бундай олинган ёки курилган активларнинг эскиришси ушбу активларнинг ИТИ махсадлари учун ишлатиши керак булган даврга илмий-текшириш ва ихтиро ишларининг харажатларини ташкил килади.

Фаолиятнинг куп турларига килинган сарфларнинг ИТИ сарфларига ушаш томони шундаки, улар фирманинг келажакда даромад олишига имконият яратади.

Илмий-текшириш ва ихтироларга кирувчи фаолиятларнинг турлари куйидагилардан ташкил топган:

- а) янги билимларни олишга каратилган лаборатория текширувлари;
- в) янги текшириладиган нарса ёки бошқа билимларнинг изланилиши;
- с) тушунчаларни руёбга келтириш ва келажак махсулотларини яратиш ёки ишлаб чикариш технологияси, усуллари ва вариантларини ихтиро килиш.

Одатдаги ихтироларга киритилган фаолият турлари куйидагича гурухланади:

- а) махсулот ишлаб чикаришнинг альтернатив усуллари ёки ихтиролар учун йулларни кидириш махсадида текширишларни утказиш;

в) ишлаб чиқарилмаган модель ва прототипларни текшириш, куриш, яратиш ва синаш;

с) инструментларни, андозаларни, қуюв шаклини ва янги технологияларни ўз ичига олган матрицаларни ишлаш.

Илмий-текшириш ва ихтироларга қирмаган фаолиятларнинг турлари қуйидагича:

а) тижорат ишлаб чиқаришнинг эрта босқичидаги инженер - техник курсаткичлари;

в) ишлаб чиқариш жараёнида сифатнинг назорати, шу жумладан, маҳсулотнинг ҳар қунти текшируви;

с) ишлаб чиқариш пайтида бузилишларнинг, яроқсиз маҳсулотларнинг сабабини аниқлаш ва тугатилиши;

а) мавжуд маҳсулотга, ишлаб чиқаришни қайтадан ишловчи ишлаб чиқарувчи тизимига ва бошқа жараёнларга, агарда бундай ўзгартиришлар наф келтирса, ҳар қунги ва даврий ўзгаришларни киритиш;

в) давом этаётган ишлаб чиқариш қисми сифатида миқозларнинг талаб ва тақлифларини эътиборга олган ҳолда мавжуд имкониятларни мослаштириш;

с) инструментларнинг, андозаларнинг, қуюв шакллари ва матрицаларнинг ҳар қунги ишлов беришлари;

д) қурилиш, қучиб кетиш, жойларни алмаштириш ёки ИТИнинг аниқ лойиҳаси учун тегишли бўлган иншоот ва усқуналардан ташқари, иншоот ва усқуналарнинг киритилиши билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда илмий текширув ва ихтиро бўйича сарфларни харажатларга қушиш тартиблари қуйидагича:

1. Текширув ва ишлов беришларга тааллуқли сарфлар улар сарфланган давр ичидаги харажатларда акс эттирилиши керак;

2. Агарда куйидаги шартлар бажарилса, ишлов беришга килинган сарфлар келажак даврларга колдирилиши керак:

а) махсулотнинг тури ва жараённинг даври тугри аниқланган ва сарфларнинг улчаниши мумкин булса;

в) махсулот ва жараённинг техникавий асоси белгиланган булса;

с) субъектнинг маъмурияти махсулот ва жараёнларни ишлаб чиқиш ва бозорда сотиш ёки узининг ишлаб чиқаришида ва жараёнида фойдаланишини курсатса;

д) махсулот ёки жараён учун келажакда сотиш бозори равшан аниқланган ёки улар ички фойдаланиш учун мулжалланган булса;

е) лойихани битириш учун мос ресурслар мавжуд булса.

3. Молиявий хисоботлар бутун давр ичидаги харажатларга кучирилган илмий-текширув ва ихтиро сарфларнинг суммасини; бутун давр ичидаги харажатларга кучирилган ихтирога кетган кечиктирилган сарфларнинг суммасини; давр ичида яратилган ихтироларга кетган сарфларни ва ихтирога кетган эскириш килинмаган кечиктирилган сарфларни очиб бериши керак.

Юқорида келтирилганлар ихтисослаштирилган фаолият доирасига, масалан, бошка мутахассислар томонидан килинган иш, ривожланиш босқичида турган, лекин саноатнинг казиб олувчи субъектлари учун ноёб хисобланган асбоб - ускуналарга кирмайди.

Молиявий хисобот учун камайиш усулини куллаш тартиби. Ушбу камаяётган объектнинг эскиришси камайиш деб юритилади. Камайиш — бу казиб олинган ресурсларнинг кийматига камайишнинг асоси булган кийматни даврий хисобдан чиқаришдир.

Камайиш кийматини аниқлашнинг умумий услуби бу казиб олинган табиий ресурсларининг мавжудлигидир. Камайиш асоси ва казиб олинадиган табиий ресурслар бирлигининг смета киймати аниқ, булган шароитда камайиш бирлигининг меъёри куйидагича аниқланади.

## **Камайиш асоси = КБМХ х казиб олинган захираларнинг смета киймати**

Хар бир даврга тегишли камайиш суммаси казиб олинган хом ашёнинг миқдорини бирлик маҳсулотга тегишли смета кийматига купайтириш усули билан аникланади. Ушбу сумма тегишли сарфлар ёки табиий ресурсларнинг инвентар счётининг дебет томонида ва тегишли активларнинг камайишини билдирувчи счётнинг кредит томонида кайд қилинади. Агарда ушбу инвентар счёт қулланилса ушбу табиий ресурсларни сотиш жараёнига асосан ушбу камайиш асосининг киймати сотилган маҳсулотларнинг киймати сифатида ҳисобдан чиқарилади. Ҳисобот даврининг охирида казиб олинган, лекин сотилмаган маҳсулотларга тегишли камайиш киймати казиб олинган ТМЗ кийматига қушилади. Қуп ҳолларда камайиш суммаси камаяётган объектнинг кредитига ёзилади, лекин ушбу суммани жамгарилган камайиш счётини очиб унинг кредитига ёзилиб борилса, асосий воситаларнинг ҳисобини юритишга ухшайди, чунки камайиш казиб олинган хом ашё кийматининг бир қисмидир. Бундан ташқари, агарда ушбу хом ашё сотилса ушбу сотилган бойликларнинг бир қисмини ташкил қилади. Агарда ушбу бойликлар ҳисобот даврида сотилмаса бошқа ишлаб чиқариш харажатлари қатори камайиш суммаси чиқарилган ёки казиб олинган хом-ашёга тегишли суммани аниқлаш анча қийинчиликларни тугдиради. Шунинг учун ҳам қопланадиган кийматга тез-тез тузатиш киритилади. Шунинг учун смета бўйича карта тузилаётган меъёри унинг қолдиқ асоси ва казиб олиш ҳажмига таққослаган ҳолда имконияти борича аниқ ҳисобланиши лозим.

Субъектнинг бошқа узок ва қиска муддатли активлари қатори ижарага олинган номоддий активлар ҳам физик вақтининг тугаши ёки бошқа сабабларга асосан ҳисобдан чиқарилиши, яъни субъектнинг тасарруфидан чиқарилиши мумкин. Ушбу жараёни кайд қилиш ва бу маълумотларни умумлаштириш учун 9220-"Бошқа активларни сотилиши ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар" счёти қулланилади. Ушбу счётнинг дебет томонида чиқиб

кетаётган активларнинг баланс киймати, ККС ва бошқа сарфлар акс эттирилади. Унинг кредит томонида эса бойликларни сотишдан олинган даромаднинг суммаси ва эскириш суммаси кайд килинади.

9220-"Бошқа активларни сотилиши ва бошқа хисобдан чиқаришлар" счётининг дебет колдиги (қурилган зарар) 9432- "Бошқа активларни сотишдан ва бошқа хисобдан чиқаришлар натижасида қурилган зарарлар" счётининг дебетига ва кредит колдиги эса 9320-"Бошқа активларни сотиш ва бошқа хисобдан чиқаришлардан олинган фойда" счётининг кредитига ёзилади.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг чиқиб кетиши счётларда қуйидагича акс эттирилади (8-чизмага қаранг).

Счётларнинг кредитидан	Счётларнинг дебетидан
Дебет	Кредит
0400 – Хисобдан чиқарилаётган активларнинг бошлангич киймати	0500 – Хисобдан чиқарилаётган активларнинг эскириш суммаси
6410 – Сотилган актив бўйича хисобланган қушилган киймат солиги	4010, (5000, 5100, 5200) – Қирим қилинган ва хисобланган суммалар
9320 – Сотилган ва бошқа чиқиб кетган активлар бўйича олинган фойда	9432 – Бошқа активларни сотишдан ва бошқа хисобдан чиқаришлар натижасида қурилган зарарлар

8-чизма. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларнинг чиқими хисобга олиш тартиби<sup>18</sup>

Шундай қилиб, номоддий активнинг чиқиб кетишидан қўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлаш чоғида илгари қайта баҳоланган номоддий активни қўшимча баҳолаш суммаси, яъни мазкур номоддий активни илгариги қўшимча баҳолашлар суммасининг илгариги қийматнинг камайиши суммасидан юқориси бир вақтнинг ўзида “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счёти бўйича резерв капитални камайтириш билан номоддий активнинг чиқиб кетишидан қўрилган даромад сифатида "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти кредитига олиб борилади.

<sup>18</sup> 2011 йилда «Тошкентвино» акционерлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан олинди

### **3-Боб. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳисоби аудитини ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш**

#### **3.1. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар аудитини ташкил этишда ахборот таъминот манбалари**

Номоддий активлар аудити бухгалтерия ҳисоботи «номоддий активлар» моддасининг ишончлилик даражаси тўғрисида фикр шакллантириш ва компанияда қўлланилаётган номоддий активларни ҳисобга олиш услуги ҳамда солиққа тортиш билан боғлиқ муомалаларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар аудити жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

1. Номоддий активлар мавжудлиги устидан назорат ўрнатилишини аниқлаш (мулкӣ объектларни номоддий активлар қаторига олиб боришнинг тўғрилиги; мавжудлигини ва муомалаларни ҳужжатлаштиришнинг тўғрилигини текшириш; номоддий активларни баҳолашнинг тўғрилигини текшириш; инвентаризация қилиш; ҳисобот кўрсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослигини аниқлаш);

2. Синтетик ҳисобни юритиш, номоддий активларнинг кирими ва чиқимига доир муомалаларни солиққа тортишнинг тўғрилигини текшириш (номоддий активлар кирими ва чиқимига доир муомалаларни синтетик ҳисоб регистрларида акс эттирилиши; номоддий активлар киримга олиниши ва чиқим қилинишига доир муомалаларни солиққа тортиш масалалари);

3. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва ҳисобда акс эттириш (фойдали хизмат муддатини белгилашнинг асосланганлиги; амортизация ҳисоблашда қўлланилган усулларнинг қонунийлиги ва асосланганлиги; амортизация ажратмаларининг ҳисобда акс эттирилиши).

Юқорида келтирилган масалалар бўйича етарли маълумотларга эга бўлиш аудиторга номоддий активлар ҳисобининг ҳолатини мустақил

баҳолаш ва қоидабузарликлар ҳамда амалдаги қонунчилик ва белгиланган қоидалардан четга чиқишларни аниқлашга имкон беради.

Аудитор номоддий активларни текшириш чоғида қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланади<sup>19</sup>:

- номоддий активларни ҳисобга олишни ва улар билан боғлиқ муомалаларни солиққа тортишни ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар;

- компаниянинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи (фармойиши) (номоддий активлар ҳисобига тааллуқли қисми);

- номоддий активлар синтетик ва аналитик ҳисоби бўйича компанияда қўлланиладиган ҳисоб регистрлари;

- номоддий активларга тааллуқли муомалаларни ҳисобга оладиган дастлабки ҳужжатлар;

- бухгалтерия ҳисоботлари.

Даставвал, аудитор компания ҳисоб сиёсатининг номоддий активларни ҳисобга олиш услубиёти баён қилинган асосий қоидалари билан танишиб чиқади. Булар хусусан қуйидагилардан иборат:

- амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари (бир бутунлигича ёки номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича);

- амортизация ҳисобланмайдиган номоддий активлар рўйхати;

- номоддий активларни ҳисобга олиш учун қўлланиладиган намунавий қабул қилинган ва компаниянинг ўзида тасдиқланган дастлабки ҳужжатлар шакллари;

- номоддий активларни инвентаризация қилиш муддатлари;

- номоддий активлар ҳисобига доир ҳужжатлар айланиши;

- номоддий активларга тааллуқли муомалаларни ҳисобга олишда қўлланиладиган счётлар рўйхати.

---

<sup>19</sup> Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларни аудит қилишнинг назарий ва услубий асослари. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Док. дисс. 2005. -310 бет



Номоддий активларга тааллуқли муомалаларни текшириш учун синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари қўлланиладиган ҳисоб шаклларига боғлиқ ҳолда фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида номоддий активларнинг синтетик ҳисоби журнал-ордерда ва «номоддий активларни ҳисобга олиш ведомости»да юритилади.

Бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасида компанияга мулкый ҳуқуқ асосида тегишли бўлган номоддий активларнинг миқдори ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун 0400-«Номоддий активларни ҳисобга оладиган счётлар» (0410-0490) счётлар мўлжалланган. Бу счётлар балансга нисбатан актив бўлиб, уларнинг дебет томонида мавжуд номоддий активларнинг қолдиғи, кирими ва кредитида хўжаликдан чиқиши акс эттирилади.

Номоддий активлар бухгалтерия баланси (1-шакл)нинг актив қисмидаги I- Узок муддатли активлар» бўлимида «Номоддий активлар» деган модда бўйича (бошланғич қиймати (020-сатр), эскириши (021-сатр), қолдиқ қиймат (022-сатр)) акс эттирилади.

Ҳисоботга бериладиган тушунтиришларда қуйидаги ахборотларнинг моҳияти баён қилиниши лозим:

- номоддий активлар фойдали хизмат муддатлари тўғрисидаги (айрим гуруҳлари бўйича);

- қиймати қопланмайдиган (эскириш ҳисобланмайдиган) номоддий активлар тўғрисидаги;

- амортизация ажратмалари ҳисоблаш усуллари тўғрисидаги.

Амалда номоддий активларга доир муомалалар камдан-кам содир бўлганлиги сабабли, мулкларни номоддий активлар қаторига олиб боришнинг тўғрилигини ёппасига текшириш мақсадга мувофиқ.

Мулклар номоддий активлар қаторига олиб борилганлигининг тўғрилигини текшириш чоғида ҳуқуқлар ва шунга ўхшаш фуқаролик-

хукукий шартномалар тузилиш натижасида сотиб олинади ва патент тўғрисида, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, муаллифлик хукуклари тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади.

Номоддий актив объектини ҳисобга қабул қилиш кучга кирган шартнома асосида амалга оширилади. Шартномаларни юридик экспертизадан ўтказиш учун аудиторлик фирмасининг юристи жалб қилиниши мумкин.

Аудитор шартномаларни текшириш билан бир қаторда номоддий активларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва номоддий активларни ҳисобга олиш карточкаси (1-сонли НМА шакли)ни тўлғазишни текширади.

Шартнома ва дастлабки ҳужжатларнинг юридик расмийлаштирилиши текширилганидан сўнг аудитор номоддий активларнинг дастлабки қийматини арифметик текширувдан ўтказди. 7 -сонли БҲМСнинг 22-23 бандларига мувофиқ номоддий активлар бухгалтерия ҳисобида пул ифодасида акс эттирилади<sup>20</sup>.

Номоддий активларни баҳолаш уларнинг тегишли шартнома қиймати ва режалаштирилган мақсадларда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатларини кўшиш тартибидан келиб чиқиб аниқланади (1-жадвалга қаранг).

7-сонли БҲМС 11- бандига мувофиқ номоддий активларнинг бошланғич қиймати - бу активни сотиб олишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки унинг эквивалентлари ёки ишлаб чиқаришда қилинган ҳақиқий харажатлар қиймати.

Ҳақиқий харажатлар таркибига жумладан, номоддий актив объектининг ўзини сотиб олиш харажатлари, сотиб олишда берилган тижорат кредити бўйича тўланадиган фоизлар, ташқи иқтисодий ва бошқа ташкилотларга тўланадиган комиссия тўловлар (хизматлар қиймати), номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар киради.

---

<sup>20</sup> ЎзР 7 -сонли «Номоддий активлар» номли БҲМС. -Т.: 2004й

## «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни баҳолаш усуллари

Номоддий активлар дастлабки қийматини шакллантириш тартиби	Номоддий активларнинг олиш манбалари			
	Пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган	Компания да ишлаб чиқарилган	Текин-га олинган	Устав капиталига улуш сифатида олинган
1. Номоддий активларни сотиб олиш ва режалаштирилган мақсадлар учун фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш учун қилинган ҳақиқий харажатлар бўйича	х			
2. Тайёрлаш учун қилинган ҳақиқий харажатлар бўйича		Х		
3. Номоддий активларнинг бозор қиймати ва режалаштирилган мақсадлар учун фойдаланишга яроқли ҳолга келтиришга доир ҳақиқий харажатлар бўйича			х	
4. Таъсис шартномасига мувофиқ таъсисчиларнинг келишуви бўйича				Х

Бошқа мулклар сингари номоддий активларга тааллуқли бухгалтерлик маълумотлар ҳаққонийлиги вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган инвентаризация асосида тасдиқланади.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни инвентаризация қилиш қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

- уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш;
- ҳақиқий қолдиқни бухгалтерлик ҳисоб маълумотларига солиштириш йўли билан уларнинг бутлигини таъминлаш устидан назорат ўрнатиш.

Номоддий активларнинг компанияда ҳақиқатан мавжудлиги ва улар устидан ички назоратни амалга ошириш учун номоддий активларни инвентаризация қилиш лозим. Бунда аудитор 19-сонли ва Солиққа тортиш тўғрисидаги низом талабларига риоя қилинганлигини синчиклаб текшириши

зарур<sup>21</sup>.

Хусусан, аудитор инвентаризацияда аниқланган номоддий активлар камомоди бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини ва солиққа тортилишини аниқлайди. Масалан: аниқланган камомадларнинг баланс суммаси ҳисобдан ўчирилганда;

а) Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқими» смети, Кредит 0400-«Номоддий активларни ҳисобга оладиган смети» (0410-0490)

б) Кам чиққан номоддий активлар объекти бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан ўчирилганда;

Дебет 0500-«Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга оладиган смети» (0510-0590), Кредит 9220- «Бошқа активларнинг чиқими» смети

в) кам чиққан номоддий активларнинг қолдиқ қийматига,

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» смети, Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқими» смети.

Агар баҳолаш натижасида номоддий активнинг бозор қиймати қолдиқ қийматидан юқори бўлса, олинган даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4730 – «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» смети айбдор шахслар ёки моддий жавобгар шахслардан ундирилиши лозим бўлган бозор қийматига,

Кредит 9430-«Бошқа операцион харажатлар» смети – номоддий активларнинг қолдиқ қийматига,

Кредит 9310-«Бошқа активларнинг чиқимидан олинган фойда» смети – айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган бозор қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ суммага. Бунда аудитор айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган суммаларни аниқлашнинг асослилигини текшириши лозим. Чунки, олинган даромад

---

<sup>21</sup> ЎзР. Адлия Вазирлигида 2 ноябр 1999 й 83319-сон билан рўйхатга олинган «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номи БҲМС ва ЎзР Адлия Вазирлигида – 2001 йил 1054-сон билан рўйхатга олинган «Инвентаризация натижасида аниқланган мулклар камомоди ва ошқоча чиқишини бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортиш тўғрисидаги НИЗОМ».

суммаси юқорида номи қайд қилинган НИЗОМга мувофиқ умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Агар баҳолаш натижасида объектнинг бозор баҳоси кам чиққан объектнинг қолдиқ қийматидан паст бўлса, кўрилган зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) Дебет 4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари» смети айбдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган бозор қийматига,

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар» смети айбдор ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган бозор қиймати ва қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ суммага (кўрилган зарар суммасига),

Кредит 9430 - «Бошқа операцион харажатлар» смети –кам чиққан номоддий активлар объектнинг қолдиқ қийматига.

Кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Номоддий активлар камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда кам чиққан номоддий активларни ҳисобдан ўчириш қуйидаги тартибда амалга оширилади: а) дастлабки қийматига

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг чиқими» смети,

Кредит 0400-«Номоддий активларни ҳисобга оладиган счетлар» (0410-0490).

б) Амортизация суммасини ҳисобдан ўчириш,

Дебет 0500-«Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга оладиган счетлар» (0510-0590),

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг чиқими» смети.

в) кўрилган зарар суммаси,

Дебет 9430 –«Бошқа операцион харажатлар» смети,

Кредит 9220 –«Бошқа активларнинг чиқими» смети.

Кўрилган зарар суммаси ҳам(!) даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Инвентаризацияда аниқланган ҳисобга олинмай қолган номоддий активлар объектлари шуларга ўхшаш объектларнинг ошқича чиқиш аниқланган санадаги бозор қиймати бўйича уларнинг фойдали хизмат муддатини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 0400-«Номоддий активларни ҳисобга оладиган счётлар» (0410-0490),

Кредит 9320-«Бошқа активларнинг чиқимидан олинган фойда» счёти.

Бу ҳолда ҳам олинган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Ҳисобга олинмай қолган номоддий активлар бўйича амортизация улар номоддий активлар таркибига қўшилган пайдан бошлаб умумий белгиланган тартибда ҳисобланади.


Номоддий активларни инвентаризация қилиш «Ўзбекгеофизика» ОАЖ раҳбарининг инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги буйруғи, «Номоддий активларнинг инвентар рўйхати номли инвентар рўйхат ( ИНВ-1сонли шакли), 0410-0490 счётларнинг синтетик ҳисоб регистрлари ва Бош дафтарга асосан амалга оширилади.

Инвентаризация ведомостининг маълумотларига асосан инвентаризация рўйхатларини расмийлаштиришнинг тўғрилиги, компаниянинг кўрсатилган номоддий активлардан фойдаланиш учун ҳуқуқини тасдиқлайдиган дастлабки ҳужжатлар мавжудлиги, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларида ҳамда Бош дафтарда номоддий активларни акс эттиришнинг тўғрилиги ва ўзаро мослиги текширилади. Кўриб чиқиш усулини қўллаш йўли билан аудитор қуйидагилар тенглигини текширади:

- номоддий активларга доир ҳисобот шакллариининг кўрсаткичлари;
- ҳисобот маълумотлари ва бош дафтар;

–хисоб регистрларининг кўрсаткичлари.

Бундай текширувни амалга ошириш учун «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), номоддий активлар счётлари (0410-0490) ва номоддий активлар эскириши счётлари (0510-0590) бўйича синтетик ҳисоб регистрлари, номоддий активларни ҳисобга оладиган карточкалар (НМА-1 шакл) дан фойдаланилади (9-чизмага қаранг).



9-чизма. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни аудиторлик текширувдан ўтказиш тартиби

Шундай қилиб, юқорида баён қилинган тартибда ўтказилган текширув натижалари аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузиладиган ҳисоботнинг тегишли бўлимига қўшилади.

### **3.2. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳаракатини аудиторлик текширувдан ўтказиш амалиёти ва уни такомиллаштириш**

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда текширув жараёни номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ муомалалар бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий

хужжатлар ва солиққа тортишга доир қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобга олинганлиги аниқланади.

Номоддий активлар киримига доир муомалаларни ҳисобда акс эттириш услуги уларнинг олиниш манбаларига боғлиқ. Агар номоддий активлар пул ўтказиш йўли билан сотиб олинса ёки компаниянинг ўзида яратилса, 21-сонли БХМСга мувофиқ 0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» счёти қўлланилади<sup>22</sup>. Номоддий активлар инвентар қийматига қўшиладиган харажатлар таркиби, уларнинг мазкур объектни яратишга алоқадорлиги текширилади.

Номоддий активлар киримига доир муомалаларни ҳисобда акс эттиришнинг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини жадвал-тест шаклида текшириш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал.

**«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни киримини аудит қилиш тартиби**

Муомалалар мазмуни	Счётлар боғланиши		Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар
	Дт	Кт	
1. Номоддий активлар дастлабки қиймати бўйича (ҳақиқий таннархи бўйича) сотиб олинганда	0410-0490	0830	Олди-сотди шартномаси қабул қилиш-бериш далолатномаси
2. Компаниянинг ўзида яратилган номоддий активларни ҳақиқий таннархи бўйича киримга олиш	0410-0490	0830	Илмий-тадқиқот ишланмалар дастурлари, лойиҳа-смета ҳужжат. НА қабул қилиш-топшириш далолат.
3. Устав капиталига улуш сифатида ёки обуна бўлинган акция қийматини тўлаш ҳисобига олинган номоддий активларни кирим қилиш	0410-0490	4610	Таъсис шартномаси, қабул қилиш топшириш далолатномаси
4. Эксперт баҳоси бўйича текинга ёки ҳукумат органининг субсидияси сифатида олинганда	0410-0490	8530	Текинга бериш тўғрисида шарт-нома, Қ.Қ.т далолатномаси, НА қайта баҳолаш далолатномаси

Номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ муомалаларни ҳисобда акс эттириш услуги текшириш ёппасига амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

<sup>22</sup> 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» БХМС. -Т.: 2004



21 - сонли БХМС талабларига мувофиқ номоддий активларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ барча муомалалар ҳисобдан чиқарилиш сабабларидан катъий назар (сотилиши, текинга берилиши, яроқсизлиги ва ҳ. к). 9220 - «Бошқа активларнинг чиқими» счётида акс эттирилади. Аниқланган молиявий натижа, агар зарар кўрилса - 9220 - счёт кредитидан 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига, агар фойда олинса - 9220 - счёт дебети ва 9320 - «Бошқа активларнинг чиқимидан олинган фойда» счётининг кредитида акс эттирилади.

Номоддий активларнинг чиқимига доир муомалаларни ҳисобда акс эттириш бўйича счётлар боғланишининг тўғрилигини жадвал - тест шаклида текшириш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал.

**«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар чиқимини аудит қилиш тартиби**

Муомалалар мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Ўзувларни тасдиқ хуж.
	Дт	Кт	
1. НА дастлабки қиймати бўйича сотиш, ҳисобдан ўчириш, текинга бериш муносабати билан чиқими.	9220	0410-0490	Шартнома, счёт-фактура, далолатнома
2. Сотиб олинган акциялар (муддати 1 йилдан ошди) қийматини тўлаш ҳисобига НА берилганда, бир вақтнинг ўзида: • амортизациясини ҳисобдан ўчириш • Узоқ муддатли инвестицияларни акс эттириш	9220 0510-0590 0610	0410-0490 9220 9220	Акция обунаси, қабул қилиш топшириш далолатномаси
3. НА шубба компанияларига пай бадаллари сифатида берилиши (муддати 1 йилдан ошди), бир вақтнинг ўзида: • амортизациясини ҳисобдан ўчириш • узоқ муддатли инвестицияларни акс эттириш	9220 0510-0590 0620	0410-0490 9220 9220	Устав, таъсис шартномаси, қабул қилиш топшириш далолатномаси
4. НА қўшма компанияларга пай бадаллари сифатида. (муддати 1 йилдан ошди) Бир вақтнинг ўзида: • амортизациясини ҳисобдан ўчириш • узоқ муддатли инвестицияларни акс эттириш	9220 0510-0590 0630	0410-0490 9220 9220	Ҳамкорлик фаолияти шартнома қабул қилиш топшириш далолатномаси, таъсис шартномаси
5. Сотиб олинган қимматли қоғозлар тўлови	9220	0410-	Қимматли

сифатида номоддий активларни бериш (муддати 1 йилдан ошмаган), бир вақтнинг ўзида: -амортизани ҳисобдан ўчириш -қисқа муддатли инвестициялар сифатида акс эттириш.	0510-0590	0490	қоғозлар обунаси, НА қабул қилиш топшириш далолатномаси
		9220	
	5810	9220	

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларга мувофиқ номоддий активларнинг айрим турлари кўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)дан озод этилган. Аудитор бунга алоҳида эътибор бериши зарур.

21-сонли БҲМС га мувофиқ номоддий активлар олдиндан пул ўтказиш йўли билан сотиб олинганида ҚҚС 4410-«Солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлар» счётида акс этирилади (ҳисоб-китоб ҳужжатларида алоҳида ажратиб кўрсатилганида).

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда сотиб олинган номоддий активлар бўйича ҚҚС суммаси қуйидаги ҳолларда бюджетга ўтказилади.

- сотиб олинган номоддий активлар қиймати мол етказиб берувчиларга тўланганида;

- номоддий активлар ҳисобга қабул қилинганда;

- номоддий активлар ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатилганида.

Агар дастлабки ҳужжатларда ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган бўлмаса, у ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатларида ҚҚС ажратиб кўрсатилмайди.

Номоддий активлар ҳисобдан чиқарилганда дастлабки қийматига 0410-0490 счётлар кредит ва 9220-«Бошқа активларнинг чиқими» счёти дебетланади. Ҳисобланган эскириш суммасига эса 0510-0590 счётлар дебет ва 9220 счёт кредитланади. Ҳисобдан чиқариш натижаси (фойда ёки зарар 9220 счётдан 9900 - «Якуний молиявий натижа (даромадлар ва харажатларни жамлаш)» счётига ўтказилади. Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннари, фойда бюджет билан ҳисоб-китоблар кўрсаткичлари, шунингдек, хусусийлаштирилаётган давлат компаниялари мулкларини баҳолашнинг асосланганлиги кўп жиҳатдан номоддий активларнинг мавжудлиги ва

баҳоланиши, улар эскиришлари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига боғлиқ.

Шунга кўра, номоддий активларни ҳисобда рўйхатга олишнинг техник жиҳатларини текшириш жуда муҳим ҳисобланади. Номоддий активлар ўз номига кўра моддий негизга эга бўлмаганликлари учун компанияда у ёки бу объектнинг ҳақиқий кирими ва ишлатилиши устидан бухгалтерлик назоратини ташкил этиш муаммоси тез-тез вужудга келади.

Бухгалтерлик ҳисобининг умумий принципларига кўра ҳар қандай номоддий актив кирими тегишли дастлабки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади. Бундай дастлабки ҳужжатлаштириш ўзининг мазмуни ва тавсифига кўра, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (АВ-1) каби ҳужжатларга ўхшаш бўлиши лозим. Ҳужжатларда объектларнинг батафсил хусусиятлари, дастлабки қиймати, фойдаланишга топширилган вақти, эскириш нормаси ва харажатга олиб бориш коди, номоддий актив фойдаланадиган бўлинма ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Номоддий активларни кирим қилишда дастлабки ҳужжатлар билан бирга уларни идентификацияловчи ҳужжатлар ҳам бўлиши зарур. Бундай ҳужжатларга номоддий активларнинг ўзларини ёки улардан фойдаланишни тавсифловчи ҳужжатлар, шунингдек, компаниянинг у ёки бу мулкӣ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар киради. Бошқача қилиб айтганда, бухгалтерлик ҳисобда акс эттириладиган номоддий активларнинг исталган объекти объектив шаклда мавжуд бўлиши лозим.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни ҳар хил йўллар билан сотиб оладилар ва шунга кўра уларнинг кирими ҳам ҳисобда турлича акс эттирилади.

Номоддий активлар компания устав капиталига иштирокчиларининг ҳиссаси сифатида қўшилиши мумкин. Бунда улар имкон қадар ҳақиқий бозор

баҳосига яқинлашган ва компания акциядорлар кенгаши (бошқаруви) ва акциядорлар томонидан белгиланган шартнома баҳосида киримга олинади.

Харажатларининг таркиби ҳақидаги Низомга мувофиқ<sup>23</sup> технологияларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, шунингдек, илмий-тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларини ўтказиш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини яхшилаш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш харажатлари 9420-«Маъмурий харажатлар» счётида акс эттирилади. Агар компания қандайдир ишлаб чиқариш ва интеллектуал мулк (патентлар, гувоҳномалар) яратса, ушбу «Низом» дан келиб чиққан ҳолда, уларни мулк сифатида ҳисобга олиб бўлмайди, чунки уларни яратиш билан боғлиқ харажатлар капиталлашмайди.

Ушбу савол масаласида турли мамлакатларда қарама - қарши фикрлар мавжуд. Масалан, айрим мамлакатларда номоддий активлар маблағ сифатида инобатга олинмайди, уларни дарҳол ишлаб чиқариш сарфлари ёки фойда ҳисобига ҳисобдан чиқариш кўзда тутилган. Аммо, бундай ёндошувга қарама-қарши гумон патентлар олиш ва кашфиётлар, товар маркалари, савдо белгилари, «Ноу-хоу» ишланмалари ва дастур таъминотларини яратиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИГТКИ) каби активларни дарҳол ҳисобдан ўчириш, давр оралиғида оладиган даромадларни бузиб кўрсатишга олиб келади ва компаниялар томонидан ушбу фаолият соҳасига маблағлар сарфлашни тўхтатиб турадиган омил бўлиб ҳисобланишидан иборат.

Агар номоддий активларни яратиш билан боғлиқ харажатларни дарҳол ҳисобдан ўчириш фикрига қўшиладиган бўлсак, унда бизнинг компанияларимизда бундай харажатларга энг оз миқдорда маблағ ажратилиб, республикамиз ҳудудида ишлаб чиқариш ва интеллектуал мулкни (компаниянинг ўз ишлаб чиқаришини) умуман пасайишига олиб келади,

---

<sup>23</sup> ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низоми. 54- қарори. –Т.: 1999.

компаниялар эса ўзларининг мулкый ҳуқуқлари (номоддий активлари)ни яратмасдан, хориждан сотиб олишга харажат қиладилар.

### **3.3. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга амортизация ҳисоблаш аудити ва уни такомиллаштириш**

Номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш ва амортизация ажратмаларининг маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига тўғри олиб борилишини текшириш чоғида аудитор номоддий активларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилаётганлиги ва даромад келтираётганлиги тўғрисида исботга эга бўлиши лозим.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари баҳолаш миқдори бўлиб, тахмин қилинаётган фойдали хизмат қилиш даврига асосланиб ҳисоб-китоб қилинади. Шунинг учун аудитор ўрнатилган фойдали хизмат қилиш муддатлари ва амортизация ажратмалари нормаларининг мослигини 7-сонли БҲМС 46- бандига мувофиқ текшириб кўриши лозим. Бундай текширувни амалга ошириш учун 1 -сонли НМА шаклдаги карточка ва номоддий активлар объектларини ҳисобга қабул қилишда асос бўлган дастлабки ҳужжатлардан фойдаланилади.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда 7-сонли БҲМС 39- бандига мувофиқ номоддий активнинг амортизация қилинадиган қиймати мунтазам асосда тақсимлаб борилиши учун амортизация муддатлари қуйидагича белгиланган:

- номоддий актив объектнинг фойдали хизмат кўрсатиш муддати давомида;

- фойдали хизмат кўрсатиш муддатларини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича 5 йил ҳисобида.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблашда аудитор қуйидагиларни текширади:

- қўлланилаётган амортизация ҳисоблаш усуллари компания ҳисоб сиёсатига мос келиши;

- танланган амортизация ҳисоблаш усули номоддий активлар объектлари қийматини қолган фойдали хизмат қилиш муддати давомида ишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга оладиган счётларга тўғри ўтказилишини.

7-сонли БҲМС 42- бандига мувофиқ номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг уч усули кўзда тутилган. Улар:

- тўғри чизикли (ёки бир текис);
- камайиб борувчи қолдиқ;
- ишлаб чиқариш birlikлари суммаси бўйича амортизация ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усуллариинг моҳияти, компания молиявий ҳолатига таъсирини билиш ва шу асосда малакали аудиторлик хулосаси шакллантириш мақсадга мувофиқ. Тўғри чизикли усулнинг моҳияти муайян номоддий активнинг жами фойдали хизмат қилиш муддати давомида эскириш суммалари бир меъёрга ҳисоблаб ёзиб борилишидан иборат.

Камайиб борувчи қолдиқ усулидан фойдаланиш чоғида мунтазам ҳисоблаб бориладиган амортизация суммалари фойдали хизмат қилиш даври давомида камайтириб борилади.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскириш ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули) га мувофиқ амортизация ҳажми номоддий активдан неча маротаба фойдаланилиши ёки нечта маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кутилаётганлигига бевосита боғлиқдир.

Амалиётда амортизация ҳисоблашнинг тўғри чизикли усулидан фойдаланиш афзалроқ. Қолган усуллардан муайян ҳолатларда фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир.

Аудитор ҳисобланган амортизация ажратмаларининг счётларда тўғри акс эттирилганлишини тест-жадвалда шаклида текшириш мумкин (4-жадвалга қаранг)

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга ҳисобланган амортизация  
ажратмаларини текшириш тартиби

Операциялар мазмуни	Счётлар корреспонд.		Дастлаб. хуж.
	Дт	Кт	
1. Асосий ишлаб чиқаришда ишлатилаётган НА объектлари бўйича амортизация ҳисоблаш	2010	0510-0590	Амортизация ҳисоб-китоби, ҳисоб сиёсати
2. Ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишлатилаётган НА объектлари бўйича амортизация ҳисоблаш	2310	0510-0590	- // -
3. Умумишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилаётган НА бўйича амортизация ҳисоблаш	2510	0510-0590	- // -
4. Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ишлаб чиқаришда ишлатилаётган НА бўйича амортизация ҳисоблаш	2710	0510-0590	- // -
5. Маъмурий мақсадларда ишлатилаётган НА бўйича амортизация ҳисоблаш	9420	0510-0590	- // -
6. Капитал қўйилмаларда ишлатилаётган НА объектлари бўйича амортизация ҳисоблаш	0810-0890	0510-0590	- // -
7. НА объектларини ҳисобдан чиқаришда (сотиш, ҳисобдан ўчириш, текинга бериш) тўпланган амор-я суммасини ҳисобдан ўчириш.	0510-0590	9220	- // -
8. Жорий йилда НА ларга ошиқча ҳисобланган амортизация суммасини тузатиш	0510-0590	9390	- // -
9. Жорий йилда НА ларга кам ҳисобланган амортизация суммасини тузатиш	Харажат счётлари	0510-0590	- // -

Ҳисобот давридаги амортизация ажратмалари арифметик ҳисоб-китобларининг тўғрилигини текшириш аудиторлик жамлаш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, жамлаш асосида амалга оширилади (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал асосида аниқланган фарқлар бўйича аудитор энг катта фарқларни таҳлил қилади ва уларнинг ҳисоботлар ишончилигига таъсирини баҳолайди.

Аудитор амортизация ажратмаларининг ҳар ойда ҳисобланаётганлигини ҳам текшириши лозим. Чунки амалиётда номоддий активларга ҳар чоракда

бир марта амортизация ҳисоблаш ҳоллари учрайди. Шунингдек, компания зарар кўрган даврларда ҳам амортизация ҳисобланганлигини текшириш зарур. Қоидага кўра компания фаолиятининг ҳисобот давридаги натижалари қандай бўлишидан қатъий назар номоддий активларга амортизация ҳисоблаши шарт.

5- жадвал.

**«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга ҳисобланган  
амортизация ажратмаларини жамлаш усулида текшириш**

№	Объект номи	Дастлабки қиймати	Амортизация нормаси		Амортизация суммаси		Фарқ ниманинг ҳисобига	
			Компания маълумотлари	Аудитор маълумотлари	Компания маълумотлари	аудитор маълумотлари	Норма ҳисобига	Ҳисобкитоб ноаниқлиги
1.	Патент	100000	30	20	30000	20000	10000	-
	ва ҳ. к.							
	Жами:							

Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари ҳисоблашни текшириш чоғида:

номоддий активлар объектларининг ўртача қиймати ва ўртача амортизация нормасидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш йўли билан амортизация ажратмалари суммаларини прогнозлаш;

- бир неча ҳисобот даврларидаги ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаларини таққослаш ва аниқланган фарқларни номоддий активлар объектларининг мавжудлиги ҳамда улар кирими ва чиқимининг таъсирини инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш каби аналитик амаллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Амортизация ажратмаларини батафсил текшириш чоғида аудитор амортизация ажратмалари ҳисоблаш усулларидаги ўзгаришларнинг компания ҳисоб сиёсатида акс эттирилганлигини аниқлаши лозим. Чунки бундай ўзгаришлар бир қанча даврлар оралиғидаги маълумотларнинг



таққосланувчанлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бунда жорий шароитга янги баҳо бериш керак. Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатлари ўзгарган ҳолларда ўзгариш сабаблари ўрганилиб, уларнинг 1 - сонли ва 7 - сонли БҲМС талабларига мувофиқлиги ўрганилади<sup>24</sup>.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлардан қанча муддатда фойдаланиш ва уларга эскириш ҳисоблаш зарурати ҳақидаги масалага кўпчилик давлатларнинг анча эҳтиёткорлик билан ёндошиши бу соҳадаги мавжуд халқаро стандартларга мувофиқ келади. Чунки, ҳисобнинг халқаро стандартлари комитети ёхуд ишбилармонлик алоқалари қиймати капиталлаштиришни, ёхуд бирданига компаниянинг хусусий капитали ҳисобига ҳисобдан чиқаришга рухсат беради. Лекин, бу стандартларга мувофиқ номоддий активларга эскириш ҳисоблашнинг қандайдир максимал муддати тавсия қилинмаганлигига қарамасдан, айрим давлатларда маълум чеклашлар киритилган. Масалан, фирма амалий шуҳрати- "Goodwill"нинг қиймати Канада ва АҚШ да 40 йил, Австралияда 20 йил, Нидерландия ва Швецияда 10 йил, Японияда 5 йилда ҳисобдан ўчирилади.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларга амортизация ҳисоблашга қаршилар: биринчидан, номоддий активларни умуман компания маблағи деб ҳисобламайдиган иқтисодчилар, иккинчидан, тегишли сарфлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаб турилиши сабабли, фирманинг амалий шуҳрати, савдо белгилари, товар маркалари ва бошқа номоддий активлар қиймати пасаймайди деган фикр тарафдорлари; ниҳоят фирма амалий шуҳрати, савдо белгилари, товар маркалари ва бошқаларга амортизация ҳисоблаш ҳолларида, бир томондан, камаяётган қийматни алмаштириш ва сақлаб туриш сарфлари амалга оширилаётганлиги сабабли такроран ҳисоблаш содир бўлади деб ҳисобловчи иқтисодчилар.

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2005.

Ҳозирги пайтда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари комитети (БҲХС) молиявий ҳисоботларнинг таққосланувчанлигини яхшилаш мақсадида номоддий активларга эскириш ҳисобланмасдан, дарров ҳисобдан ўчириш методларини қўллашни таъқиқлаш ва агар фақат бундан узоқроқ муддат белгилаш асосланмаган бўлмаса (аммо бу ҳолда ҳам у 20 йилдан ошмаслиги) масаласини ўрганмоқда.

Таъкидлаб ўтганимиздек, бизнинг республикамизда фойдали хизмат муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активларга эскириш 5 йил муддатдан келиб чиқиб ҳисобланади. Номоддий активлар аудити биз учун янги ҳисоб ва аудит объектлари ҳисобланади. Шунинг учун номоддий активларни ҳисобга кирим қилиш усуллари, ҳаққоний баҳолаш методлари, улар қийматини қошлаш ва ш. ў. , шунингдек жорий ҳисобда ҳаракатини акс эттириш масалалари жиддий илмий-тадқиқотларни талаб этади.

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни ҳисобга олишга доир муомалаларни текшириш натижалари аудиторлик ҳисоботида умумлаштирилади. Ҳар бир йўл қўйилган хато-камчилик бўйича: қайси меъёрий ҳужжатнинг қайси талаби бузилганлиги; етказилган зарар суммаси; аниқланган хатонинг компания фаолияти ва бухгалтерлик ҳисоботи кўрсаткичларининг ишончлилигига таъсир кўрсатиш даражаси, жиддийлиги ва ҳоказолар аниқланади. Текширув натижаларини умумлаштириш натижасида амалга оширилиши мумкин (6-жадвалга қаранг).

6 -жадвал

«Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни текшириш  
натижаларини умумлаштириш тартиби

Хатонинг тавсифи	Талаблари бузилган меъёрий ҳужжат номи, банди	Хатони баҳолаш		Компания фаолияти натижалари ва ҳисобот ишончлигига таъсири
		сумма	Баланс моддасига нисбатан %	

Бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг бузиб кўрсатилиши ва баланснинг «Номоддий активлар» моддаси ишончлилигини тасдиқлаш имкони йўқлиги қуйидаги сабаблардан келиб чиқади:

0400 - «Номоддий активларни ҳисобга оладиган счётлар» (0410-0490) да асоссиз равишда номоддий активлар қаторига олиб борилганлиги, объектлар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаганлиги; номоддий активларнинг инвентар (баланс) қийматига уларни сотиб олиш ёки яратиш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг қўшилганлиги; аналитик ҳисоб юритилмаслиги.

Қуйидаги далиллар компанияда ички назоратнинг паст даражада эканлигидан далолат беради: йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишдан олдин номоддий активлар инвентаризация қилинмаслиги, ҳисоб сиёсатида белгиланган инвентаризация ўтказиш муддатларига риоя қилинмаслиги; инвентаризация натижалари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаганлиги; инвентаризация натижалари йиллик бухгалтерия ҳисоботида ўз вақтида акс эттирилмаслиги; номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддатларини нотўғри (ноқонуний) белгилаш оқибатида компания хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари бузиб кўрсатиши; амортизация ҳисобланмайдиган тоифага кирувчи номоддий активларга ҳам амортизация ҳисобланиши; ноишлаб чиқариш соҳасида ишлатиладиган номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация ажратмаларини маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига олиб бориш; номоддий активларни ҳисобдан чиқаришга доир муомалаларни ҳисобда акс эттириш услубиётининг бузилиши.

Шундай қилиб, «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳаракатига доир муомалаларни ҳисобда акс эттириш услубиётига риоя қилмаслик солиқ билан боғлиқ нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Жумладан: тўланмаган ва ҳисобга олинмаган номоддий активлар бўйича қўшилган қиймат солиғини бюджетга тақдим қилиш; номоддий активларни

сотиш ва шартномага асосан текинга бериш чоғида ҚҚС ҳисобламаслик ва нотўғри аниқлаш; номоддий активлар ҳисобдан чиқарилиши натижасида кўрилган зарарлар суммасига солиққа тортиладиган фойданинг камайтирилиши; номоддий активлар жисмоний шахслар томонидан сотиб олинганида даромад солиғи ушламаслик.

## Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикасида қурилиш ташкилотларини ривожлантириш ва уларни реконструкция қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, уларни номоддий активлар билан таъминлаш борасида анчагина ишлар қилинмоқда. Шу билан биргаликда янгича мазмун ва моҳиятга эга бўлган мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши уларда ҳисоб ва аудит тизимини янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Шунингдек, «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини чуқурроқ ва кенгроқ амалга ошириш учун шу фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини ва молиявий -хўжалик фаолиятини амалга оширишда маблағларнинг ишлатилишини аудиторлик текширувидан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Номоддий активлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда сарфланадиган харажатларни мумкин қадар камайтириш ва уларнинг ҳисобини ҳамда аудитини ташкил этиш муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда бундай ишларни ва ўзгаришларни амалга ошириш ўта зарур масала ҳисобланади.

Шу боисдан, ушбу масалаларнинг ечимини бериш мақсадида «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳисоби ва аудити бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини юритишда амалдаги қонуний ҳамда услубий асослар ўрганилди.

2. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлардан фойдаланиш харажатларининг алоҳида туркумланиши ва уларнинг баҳоланиши таҳлил этилди ва ушбу соҳада асосий воситаларнинг ишлатилиши уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатишдаги ва ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар сифатида туркумлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

3. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активдан фойдаланишни аудиторлик текширувидан ўтказишда халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, амалга ошириш ва унда аудит ўтказишда қўлланиладиган самарали усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир..

4. «Ўзбекгеофизика» ОАЖ томонидан хориждан сотиб олинган номоддий активларнинг импорт қийматини ҳисоблашда энг қулай ва содда бўлган усулларни қўллаш бухгалтерия ҳисобини юритишни осонлаштиради ҳамда ҳисоб-китоб ишларини камайтиради;

5. Шунингдек, «Ўзбекгеофизика» ОАЖда фойдаланишда бўлган номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усулларининг энг қулай бўлган “Сонлар йиғиндиси” усулини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бу усулда асосий воситаларни ишлатиш жараёнида уларга дастлабки йилларда ҳисобланган эскириш суммаси кўпроқ бўлиши кутилади ва маҳсулот (иш ва хизмат) лар ишлаб чиқариш таннархининг ошишига олиб келади. Шунингдек, солиқ базасини ҳам оширади. Бироқ, кейинги йилларда эскириш суммасининг камайишига ва фойдаланишда маҳсулот (иш ва хизмат) лар ишлаб чиқариш таннархининг пасайишига олиб келади. Шу билан бирга янгидан яратилган (сотиб олинган) номоддий активларнинг унумдорлиги юқори бўлиб, улардан кутиладиган натижа ҳам ижобий бўлишидир.

6. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлардан фойдаланиш жараёнида улар ўз хусусиятларини йўқотиб боради (маънавий эскириб) ва янгилашга эҳтиёж туғилади. Шунинг учун «Ўзбекгеофизика» ОАЖ фойдаланишда бўлган номоддий активларнинг янги замонавий типлари билан таъминлашда (Таъминлаш фонди) манбасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, бундай харажатлар ҳисобот даврида молиявий натижаларга катта таъсир кўрсатиши мумкин.

7. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активларни инвентаризациядан ўтказишда, хўжалик раҳбари томонидан тасдиқланган ҳисоб юритиш

сиёсатига кўра унда белгиланган усулдан фойдаланишлари ва бундай ишларни уларнинг ўз хоҳишларига кўра амалга оширишни таклиф этамиз.

8. «Ўзбекгеофизика» ОАЖда фойдаланишда бўлган номоддий активларни малакали аудиторлик текширувидан ўтказиш, сифатли аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тузиш учун ушбу ҳисоб объектини ҳар томонлама синчиклаб текшириш, маълумотларни таҳлил қилиш, шунингдек, бу ишга киришишдан олдин номоддий активлар ҳисобига доир барча меъёрий ҳужжатлар ҳамда бошқа зарур манбалардан иборат маълумотлар тўпламини шакллантириш зарур. Шундагина аудитор малакали текширув ўтказиб, хўжалик субъектларига сифатли хизмат кўрсатиши ва қимматли маслаҳатлар беришга эришиши мумкин.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари бўйича берилган фикр-мулоҳазаларимиз «Ўзбекгеофизика» ОАЖда номоддий активлардан самарали фойдаланиш, уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитни мукаммаллаштиришга қисман бўлсада нафи тегар деган умиддамиз.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2001.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат Дастури тўғрисидаги ПК 805 – сонли қарори . //Халқ сўзи, 2008 йил 29 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодийнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” 288-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сонли қарори. –Т.: 2001й
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. 54-қарори. –Т.: 1999й.

### II. Президент асарлари

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-



иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 19 январь, № 28 (4438).

10. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль, 28-сон.
11. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. -Т.: “Халқ сўзи” газетаси. (3828)-сон. – Т.: 2006.

### **III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар**

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» низом. ЎЗ АВ томонидан 1192-сон билан рўйхатга олинган – Т.: 2002 й.
13. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2002.

### **IV. Асосий адабиётлар**

14. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби. /Дарслик –Т.: Иқтисод, 2011. -307 б.
15. Холбеков Р. Бухгалтерия ҳисоби назарияси./Дарслик –Т.: Иқтисод, 2011. -185 б.
16. **Воҳидов**
17. Нечитайло А.И. Теория бухгалтерского учета: учеб. Россия . -М.: Проспект, 2010. – 272 с.
18. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 бет
19. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет: учеб. – М.: Проспект, 2009. – 448 с.

20. Шиленко С.И. и др. Основы аудита: учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 152 с.
21. Кутер М.И. Теория бухгалтерского учета: Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2008.- 592 с.
22. Соколова, Е.С. Бухгалтерское дело: учебник. - М.: Высшее образование, 2008.- 328 с
23. Жўраев Н., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув хисоби. Дарслик. -Т.: 207 й, 310 бет
24. Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия хисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й
25. Тўлахўжаева М. Илхомов Ш. Аудит. Ўқув қўлланма. –Т.: 2006. -161 бет
26. Бухгалтерский финансовый учет: Учебник для вузов / Под ред. проф Ю.А. Бабаева. – М.: Вузовский учебник, 2006. – 525 с.
27. Сотиволдиев А. С. Замонавий бухгалтерия хисоби. Дарслик. –Т. БАМА, 2005 й
28. Дўстмурадов Р. Аудит асослари. Дарслик. –Т.: “Фан”, 2004
29. Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. /Дарслик -Т.: Шарқ, 2004.-592 б.

#### **V. Қўшимча адабиётлар**

30. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.
31. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш

учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. - 148 бет.

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 146 бет.
33. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа, Т.: “Иқтисодиёт” 2010.
34. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. -120 б.
35. Ўразов К., Вохидов С. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. /Ўқув қўлланма –Т.: Иқтисод, 2011. -305 б.
36. Ендовицкий Д.А., Ишкова Н.А. Учет ценных бумаг: учеб. пособ. Россия.-М.: КНОРУС, 2010. – 384 с.
37. Каспина Р.Г., Плотникова Л.А. Бухгалтерский учет внешнеэкономической деятельности: учеб. пособ. Россия.-М.: Эксмо, 2010. – 432 с.
38. Медведев М.Ю. Учетная политика организации на 2010 год: практическое пособие. Россия. М.: КНОРУС, 2010. – 248 с.
39. Хвостик Т.В. Практикум по бухгалтерскому (финансовому) учету: учеб. пособ. Россия . -М.: ФОРУМ, 2010. – 176 с.

40. Двадцать вторые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. –Москва.: 2009, 10 апреля 2009г
41. Арабян К. К. Организация и проведение аудиторской проверки: учеб. пособие. - М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2009.- 447 с.
42. Зонова А.В. и др. Бухгалтерский учет и анализ: учеб. пособ. под ред. А.В. Зоновой. – М.: Эксмо, 2009. – 512 с.
43. Каморджанова Н.А., Карташова И.В. Бухгалтерский финансовый учет. 4-е изд., доп. – СПб.: Питер, 2009. – 288 с.
44. Крайнова Ю. Е. Краткий курс по Международным стандартам аудита: учеб. пособ. - М.: «Окейкнига», 2009.- 119 с.
45. Захарин В.Р. Учет основных средств и нематериальных активов: справочник бухгалтера: практ. руководство.- М.: Эксмо, 2008.- 320 с.
46. Константинова Е.П. Международные стандарты финансовой отчетности: Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К », 2008. – 288 с.
47. Мощенко Н.П. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 272 с.
48. Константинова Е.П. Международные стандарты финансовой отчетности: Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К », 2008. – 288 с.
49. Шпаков Л. В., Барулина Е. В. Бухгалтерский учет как пользоваться МФСО. «Альфа-Пресс». –М.: 2006. -37 с
50. Маренков Н.Л. Международные стандарты бухгалтерского учета, финансовой отчетности и аудита в Российских фирмах. - М.: Едиториал УРСС, 2005. - 143 с
51. Учет, анализ и аудит внешнеэкономической деятельности: Учеб. пособие/ Под ред. проф. В.И Бариленко. - М.: ИНФРА-М, 2009.- 458 с.
52. Ионова А.Ф., Тарасова Н.А. Учет и анализ внешнеэкономической деятельности : учеб.- практ. пособ.- М.: ТК Велби, 2009.- 352 с.
53. Ибрагимов ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т. Иқтисод-молия, 2008, 444 бет

54. Петрова В.И. и др. Бухгалтерский учет, анализ и аудит деятельности страховых организаций. – М.: ФиС, 2008. – 400 с.

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

55. Миллий иқтисодий тармоқларини ислох қилиш ва барқарор ривожланишининг муаммолари, 10 ноябрь 2005 йил. ТДИУ.
56. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2007-2009 йиллар
57. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2007-2009 йиллар
58. «Солик ва божхона хабарлари» газета. –Т.: 2007-2009 йиллар
59. Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

#### **VII. Интернет сайтлари.**

60. «Norma» 2009.
61. «Pravo» 2009.